БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 12 апрель Пайшанба

№ 70 (13.506). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Кеча Ватанимиз пойтахти Москвада Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг XXI съезди ўз ишини бошлади

М. С. ГОРБАЧЕВнинг ВЛКСМ XXI съезди делегатлари ҳузурида сўзлаган нутқи

Сизларни самимий табриклайман, фаолиятингизда, комсомол ишларида муваффақият тилайман. Аммо шунга қарамай съезднинг ўзига муваффақият тилашни ҳозир биринчи ўринга қўяман. Съезд сизларгагина эмас, коммунистларга, бутун мамлакатга зарур, чунки гап ёш авлодимиз тўғрисида, ёшлар ҳаракати тўғрисида, унинг роли тўғрисида ва табиийки, ВЛКСМдек ёшлар сиёсий ташкилотининг тақдири ва ўрни тўғрисида бормоқда.

Шундай бўлдики, комсомол съезди В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллиги арафасида ўтмоқда. Социализмни барпо этишнинг Ленин давридан буён орадан 65 йил ўтди. Бу йиллар давомида фожиали воқеалар кўп бўлди. Унда улуғвор жўшқинлик ҳам, истиқбол сари шижоат ҳам, орқага томон оғир чекинишлар ҳам, халқ ташаббуси жўшқинлиги ҳам узвий қўшилиб кетган. Ана шу ўн йилликлар мобайнида халқимиз эришган ғалабалар, чинакам, ҳақиқатан ҳам улкан зафарлар гулдуроси ва қатағон йилларнинг қақшатқич руҳи, оғир жудоликлар, бой берилган имкониятлар алами қўшилиб кетди.

Тарихимиз юзага келтирган зиддиятлар совет жамиятининг бугунги турмушига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ундан чиқишни биз революцион қайта қуриш йўлларида қидиряпмиз. Бугунги кунда Ленин бизга қай тариқа ёрдам бериши мумкин, биз ундан нимани ўрганишимиз мумкин ва зарур? Ҳозирги вақтда матбуотда Лениннинг мероси тўғрисида, революциямиз, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг тақдири тўғрисида масъулиятли фикрлашув авж олмоқда. Буларнинг ҳаммаси сиз билан биз учун муҳим ва мен буни табриклайман.

Шуни эътироф этиш керакки, ўтган ўн йилликлар онгимизда Лениннинг маълум даражада соддалаштирилган қиёфасини, турмушнинг барча саволларига жавоб бера оладиган назариётчи, муайян мақсад сари ҳамиша дадил бора оладиган сиёсатчи қиёфасини шакллантирди. Ленин заковатининг, ленинча тактиканинг диалектик тадбиркорлиги, унинг ақидапарастлик ва волюнтаризмдан, авантюризм ва мулоҳазасиз зўрликдан нафратланиши одатда эътибордан четда қолиб келди.

Ленинизмнинг жўшқинлиги зўравонликда эмас, балки бунёдкорликдадир. Ленин бизга граждандар урушини эмас, балки граждандар осойишталиги ғоясини, пароканданликни эмас, бирдамликни васият қилди. У янги турмушни барпо этишда имкони борича кўпроқ кишилар, кейинчалик эса деярли барча меҳнаткашлар иштирок этишини орзу қилди. Социализм меҳнат аҳлининг жонли ва эркин ижоди эканлиги — ленинизмнинг асосий ғоясидир, ўртоқлар.

Бугунги кунда мамлакатимиз ва жамият ҳамма нарсадан кўра одамлар ва халқларнинг эркин, ихтиёрий, ўртоқларча жипслашувига муҳтождир. Октябрь асос солган маънавий имкониятни тиклаш ва кўпайтириш йўли билан ягона оила туйғусини ҳосил қилиш мумкин. КПСС бундай жипслашишнинг кенг ҳаракат дастурини, инсонпарвар демократик социализм ҳаракат дастурини таклиф этади. Партия шу асосда халқнинг туб манфаатларини ҳақиқатан ҳам қадрловчи барча соғлом ижтимоий кучларни жипслашишга чорлайди.

Ҳақиқий Ленин кишини лол қолдирадиган даражада замонавийдир ва бунинг аксини гапирганларга ишонманг. Ўзингиз бунга ишонч ҳосил қилишга интилинг. Қайта қуриш зиддиятларида, ундаги жўшқинлик ва лоқайдликларда социализм тўғрисидаги бутун нуқтаи назарни тубдан ўзгартириш зарурлиги тўғрисидаги ленинча фикр тобора яққол намоён бўлмоқда. Биз Ленин асарларининг, айниқса ҳаётининг сўнгги йилларидаги ёзилган асарларининг моҳиятини чинакамига чуқур ўрганишимиз зарур. 1983 йилда Ленин туғилган кунда доклад қилиш менга топширилган эди ва мен айни ана шу асарларга мурожаат қилар эканман, Владимир Ильич социалистик революция, давлатимиз тақдиридан ғоят хавотирланганлигини ҳис этдим.

Ўйлайманки, биринчи галда меҳнат аҳлининг жамияти сифатида, демократик тузум, омманинг ижоди сифатида социализм тўғрисидаги, Советлар ҳокимияти, бошқарув аппаратини ўзгартириш тўғрисидаги, меҳнаткашларнинг ўз-ўзини бошқаруви ва меҳнат коллективлари ҳаракати бирлигини таъминловчи централизм тўғрисидаги, ўтиш даври иқтисодиётининг кўп укладлилиги ва унда мулк шаклларининг хилма-хиллиги тўғрисидаги, мадаций кооператорлар тузуми ҳақидаги, план ва бозор, қатъий ҳисоб-китоб ва тежамкорлик тўғрисидаги, социализмда миллатлар, суверен совет республикалари федерацияси ҳақидаги, барча миллат ва элатларнинг тенглиги, кўпмиллатли мамлакатда яшай олиш тўғрисидаги, инсоният яратган барча мадаций бойликлардан баҳраманд бўлиш, социализм даврида маданиятни ривожлантириш ҳақидаги, жанг қилувчи эмас, балки бунёдкор, меҳнаткашларни бирлаштирувчи партия тўғрисидаги Ленин ғояларини чуқур ўрганиш талаб этилади.

Ленинизмдаги энг қимматли нарса — диалектика санъати, ўтиш, революцион даврнинг ғоят мураккаб ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, унинг объектив ва субъектив омилларини, ҳаракатлантирувчи кучларини англаш ва улардан фойдалана билишдир. Сизларни Ленин мероси ғоялари тажрибасининг ноёб бойликларидан баҳраманд бўлишга таклиф этаман.

Яна съездингиз тўғрисида гапирар эканман, сизлар маълум даражада аҳамияти жиҳатидан ўз ташкилотининг Москвадаги биринчи съездига тўпланган ва Коммунистик Ёшлар Союзига асос солган йигит ва қизлар ҳал этишига тўғри келган даражадаги вазифаларни ҳал этишларингиз кераклигини айтмоқчиман. Ўшанда шов-шувлар, қизғин мунозаралар бўлиб, уларда «Ёшлар ҳаракати қандай бўлиши керак?» — деган саволга ёшлар билан биргаликда жавоб излаган партиянинг таниқли намояндалари иштирок этган эдилар. В. И. Лениннинг шундан кейинги «Ёшлар союзларининг вазифалари» тўғрисидаги нутқи ҳам шунга бағишланган эди. Ўшанда комсомолнинг дунёқарашига асос солинган, фаолиятининг асосий йўналиши танланган эди. Бугунги кунда эса ана шу мақсад ўзининг бор аҳамияти билан сақланиб қолган ёки қолмаганлигини, ташкилотингиз ўзининг бундан кейинги йўлини қандай дастурлар асосида қуришини аввало ўзўзимизга рўй-рост айтишимиз муҳимдир.

Бундан буён ишни қайси йўлдан ва қай тариқа олиб бориш керак? — Бу масала сизларгагина тааллуқли бўлмай, балки партия XXVIII съездининг диққат марказида бўлади, уни бугунги кунда бутун жамиятимиз ҳал этади, пировардида эса ҳар бир совет кишиси ўзи учун ҳал этиши зарур. Сизлар бу ерга қизғин мунозаралардан кейин ўз ўртоқларингиздан топшириқлар олиб келдингиз, аминманки, баъзи делегатлар ўз нуқтаи назарини ҳозирдаёқ аниқлаб олган, бошқалар эса ҳали изланишда. Демократиялаш ва ошкоралик одамларга эркинлик берди, уларга ижтимоий турмушнинг долзарб масалалари юзасидан ўз фикрини эркин ифодалаш имконини таъминлади.

Матбуотда, йиғилишлар ва митингларда, аудиторияларда кўпинча турли нуқтаи назарлар муросасизлик билан қаттиқ тўқнашмоқда. Мана шу асосий саволга жавоб излашда ғоят кенг кўламда фикр билдирилмоқда. Зотан, ҳамиша шундай бўладики, жамият икки йўл ўртасида турган пайтда, инқилобий ларзаларни бошидан кечиради. Бундай шароитда саросимага тушиб қолмаслик, йўлни танлашда янглишмаслик учун аввало даврнинг моҳиятини, воқеаларнинг боришини йўналтириб турадиган асосий хусусиятни, асосий тенденцияни англаб олиш зарур. Сўнгра эса ана шу дастлабки маррадан туриб биз ҳамма жойда ва ҳар куни дуч келадиган кўпгина бошқа, конкрет саволларга жавоб излаш ва топиш осон бўлади.

Агар жамиятимиз бошидан кечираётган ҳозирги паллага, босқичга ғоят қисқа таъриф берадиган бўлсак, менинг назаримда «бурилиш босқичи» деган тушунчадан яхшироқ таърифни топиш қийин. Ҳаммага — мамлакатимизда ҳам, дунёда ҳам совет жамияти бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш жараёнида турганлиги равшан. Демак, бурилиш босқичидамиз. Аммо бурилиш тушунчасининг ўзи рўй бераётган воқеаларга баҳо беришга биз қайси кўламда, қайси мезон билан ёндашувимизга қараб турлича ўлчовга эгамиз. Бундай баҳога тарихий ўлчов билан ёндашадиган бўлсак, мамлакатимизда шу асрда иккинчи инқилоб амалга оширилаётганлигини айтишимиз лозим бўлади.

Биз бундан беш йил илгари шу йўлга кирган пайтимизда катта авлод кишиларигина эмас, шу билан бирга фикрловчи ёшлар ҳам бизда кўп нарса кўнгилдагидек эмаслигини, бундан буён бундай яшаб бўлмаслигини ҳис этган ва англаган эди. Эълон қилинаётган юксак принциплар билан турмушда рўй берган воқеалар ўртасида чуқур жарлик пайдо бўлди. Мамлакат тараққиётининг деярли барча кўрсаткичлари жиҳатидан орқага чекиниб, ҳалокатли тезлик билан ўз мавқеини бой бера бошлади. Хусусан биз дастлаб ўз вазифамизни танг ҳолатлар кучайишини тўхтатиш, иқтисодиётни, фан ва техникани ривожлантиришни имкони борича жадаллаштиришдан иборат, деб билдик, партия ҳам вазифани шу тарзда ўртага қўйди. Аммо биз бу жараёнга киришганимиз сари, жамиятнинг оғир аҳволда эканлигини яхшироқ англаганимиз сари айрим камчиликларни тугатиш билан чекланиш мумкин эмаслиги, жамият организми барча бўғинларини тубдан янгилаш зарурлиги янада равшанроқ бўла бошлади. Ана шу фикр-мулоҳазалардан аста-секин қайта қуриш концепцияси юзага келди.

Мамлакатимизда қайта қуришни Марказий Комитетнинг 1985 йилги апрель Пленумидан бошланди, деб ҳисоблашади. Бу тўғри, лекин қайта қуриш сиёсатининг илдизлари давр талабига бориб тақалади, бу ўзгаришларни турмуш мантиқининг ўзи тақозо этди. Ўша пайтдан бери ўтган йиллар давомида партия XXVII съезди, XIX партия конференцияси, Марказий Комитетнинг сиёсатнинг туб масалаларига бағишланган Пленумлари, кўп ўн йилликлар мобайнида биринчи марта эркин сайлов, СССР халқ депутатларининг учта Съезди, янги чақириқ Олий Советнинг сессиялари сингари муҳим воқеалар рўй берди. Олий Совет сессияларида мулкчилик, ер, ижара тўғрисида ва бошқа кўпгина муҳим қонунлар қабул қилинди. Жумҳуриятларда ва жойларда яқинда ўтказилган сайлов совет ҳокимиятининг янгиланган структурасини шакллантиришни якунлайди. Мамлакатнинг миллий-давлат тузумини ўзгартиришнинг янги, чинакам федератив асосдаги ҳуқуқий негизлари вужудга келтирилмоқда.

Биз қайта қуриш натижаларига кейинги йилларда халқаро муносабатларда рўй берган туб ўзгаришларни ҳам ҳисобга олиб баҳо беришимиз учун барча асосларга эгамиз. Биринчи галда бизнинг янги ташқи сиёсатимиз туфайли «совуқ уруш»га чек қўйилди, жаҳон ядро можароси ёқасидан четлатилди. Аниқ қуролсизланиш жараёни бошланди. Қўшинларимиз Афғонистондан олиб чиқиб кетилганлиги кўплаб совет кишилари учун айниқса, сезиларли бўлди, деб ўйлайман. Бу ҳам мамлакат қайта қуриш йўлига ўтиб олганлигининг бевосита самараларидан биридир.


Биз ҳаммамиз гувоҳи ва бевосита иштирокчиси бўлган барча нарсаларга назар ташлайдиган бўлсак, саксонинчи йилларга эҳтимол, жаҳон тарихидаги буюк бурилиш тўғри келди, деб айтиш мумкин. Аслида, халқимизга ва бутун инсониятга жуда катта имкониятлар берадиган янги давр юзага келмоқда. Мен илгари гапирган қуйидаги фикрни комсомол съездининг делегатлари билан мана шу учрашувда такрорлашни муҳим деб ҳисоблайман: биз қандай мураккаб вазифаларни ҳал этишимизга тўғри келмасин. Қанчалик қийин, кўпинча фожиали ҳолатларга дуч келмайлик, партия ва халқ бошлаган ишнинг тарихий кўлами тўғрисида унутмаслигимиз зарур. Акс ҳолда вазият, турмушимизнинг ночорлиги, тақчилликлар, юмушлар таъсирида йўлдан оғишимиз мумкин.

Қайта қуриш йўли тўғрилигидан бир дақиқа бўлса ҳам шубҳаланишга асос йўқ. Бу йўл биз учун зарур. Уни қийинчиликлар билан халқнинг ўзи танлади ва у мамлакат учун ҳаётий заруратдир. — Бутун фаолиятимизда амал қилишимиз зарур бўлган асосий фикр мана шундан иборат. Шу боисдан барча саволларга жавобларни ўтмишга қайтиб эмас, балки олға томон ҳаракат қилиб, қайта қуриш сиёсатидан воз кечмай, балки уни чуқурлаштириб, янада изчил ва қатъият билан амалга ошира бориб излаш даркор.

Баъзилар бизни орқага қайтишга, бошқалар эса, кўп ўйлаб ўтирмай ва ҳатто қаёққа бораётганимизни мулоҳаза ҳам қилмай, олға томон жадал ҳаракат қилишга ундаётганликлари учун бу ҳақда гапираяпман. Биз эса ўз сиёсатимизни амалга оширишда изчил, омилкор ва қатъиятли бўлишимиз зарур.

Ҳозирги пайтда қайта қуриш жараёнининг энг қийин босқичида эканлигимиз учун ҳам буни ёдда тутиш, айниқса, муҳимдир. Таъминотдаги жиддий узилишлар, умуман ижтимоий-иқтисодий муаммолардаги кескинлик, шу туфайли вақти-вақти билан рўй бераётган иш ташлашлар; этник асосдаги можаролар, ажрамачилик, марказдан қочиш тенденциялари; яхши ният билан биргаликда социализмга қарши турли ғоялар ҳам ўртага ташланадиган митингбозлик; жиноятчиликнинг кўпайиши, ижтимоий ахлоқ даражасининг пасайиши — буларнинг ҳаммаси бугунги турмушимизга хос кўринишлардир. Буларнинг ҳаммаси биз яшаб турган пайтда содир бўлаяпти, бироқ биз бунга шунчаки бардош беришимиз, гўё ҳамма нарса ўз-ўзидан йўлга тушади, яхши бўлади, деб кутиб ўтирмасдан, балки танг вазиятни тезроқ бартараф этиш, давлат кемасини мусаффо сувга олиб чиқиш учун бутун куч-ғайратни сарфлашимиз керак.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: бир гуруҳ ўзбекистонлик делегатлар.

Сураткаш Е. БОТИРОВ.

Кураш бошланди

МОСКВА. (Махсус мухбирларимиз Ж. РАЗЗОҚОВ ва Ҳ. АКБАРОВ телефон орқали хабар қиладилар).

Ниҳоят, кўпдан буён кутилган БЛКЁИнинг XXI съезди етиб келди. Унда ким нимани гапириши, ким қайси йўлдан бориши ҳозирча ноаён бўлсада, аммо комсомолнинг олий анжумани катта курашлардан иборат бўлиши тайин. «БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби ким бўлади?», «Кимга овоз беришингни билгин!», «Ишонч билдирилдими, уни оқла!» каби шиор ва чақириқлар «Россия» меҳмонхонасига кираверишда етарлича жой олган. Съезд жараёни ҳақида уни кўриб делегатлар билан суҳбатлашгач, тайинли бир гап айтиш мумкин. Ҳозир эса съезд бошланишидан атиги бир соат аввал делегатларимиз билан уюштирилган мусоҳабани эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Мамадиёр НУРАЛИЕВ, Жиззах вилояти Октябрь ноҳияси Т. Хўжаев номли 24-давлат хўжалигининг 3-пахтачилик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, Жиззах вилоят Кенгашининг депутати:

— Бригадамизда йигирмага яқин комсомол-ёшлар ишлашади. Асосан пахтачилик билан шуғулланамиз. Шу билан бирга ғалла ва беда ҳам етиштирамиз. Режаларни ортиғи билан уддалаяпмиз. Масалан, ўтган йили 76 гектар ерга пахта экканэдик. Гектаридан 23 центнердан ҳосил олишимиз режалаштирилганди. Ёғингарчилик туфайли ерга икки марталаб чигит қадашга тўғри келди. Шундай бўлсада, давлат режаларини 110 фоизга бажардик. Мен буни мақтаниш учун айтаётганим йўқ. Ёшлар ишонч билдириб мени комсомолнинг олий анжуманига делегат этиб сайлашди. Қолаверса, бригадамиз комсомол-ёшлар бригадаси деб аталади. Энди ўрни келганда очиғини айтиш керакки, номимиз комсомол бўлса ҳам, аслида хўжалигимиз бошланғич комсомол ташкилоти бизнинг кўп муаммоларимизни ҳал этишга қодир эмас. Масалан, биз эрта баҳордан то кеч кузгача яйдоқ далада тер тўкиб ишлаймиз. Пахта етиштириш меҳнати нима эканлигини етти ёшдан 70 ёшгача бўлган ҳар бир ўзбек жуда яхши билади. Турмуш шароитимиз эса ҳамон ўшандайлигича қолмоқда. Пахтанинг харид нархини ошириш масаласи ҳам ҳал бўлгани йўқ. Биз «Ёш ленинчи»да бундан бир-икки йил илгари «Пахтакорга махсус кийим керакми?» деган бир мақолани ўқигандик. Аммо ҳозиргача бирон жойда пахтакорлар учун махсус кийим-бош ишлаб чиқарилаётганини кўраётганимиз йўқ. Ўйлайманки, бу кичкина муаммо эмас. Бундан ташқари чўл шароитида далаларда пахтакорлар учун қулай, бежирим кўчма вагончалар бўлиши зарур.

Маълумки, қишлоқ ёшларининг кўпчилиги ўқиш ёки ишлаш учун шаҳарларга ошиқишади. Сабаб нима? Ишлаш ва дам олиш, шарт-шароитнинг йўқлиги, иш ҳақининг пастлиги ва ҳоказо. Қишлоқларда шундай шароитлар яратиш кераккки, ёшлар аксинча шаҳарлардан қишлоққа келишни орзу қилишсин.

Энди комсомол тўғрисида икки оғиз сўз. Айтайлик, хўжалик ёки бригада режаларни қойиллатса унинг тажрибасини керак бўлса иттифоқ миқёсида оммалаштиришга уринишади. Сабаби бунинг замирида катта иқтисодий фойда ётади. Афсуски, комсомолда мана шу нарса етишмаяпти. Йўқса оммалаштиришга арзийдиган комсомол ташкилотлари йўқ, деб ўйлайсизми? Асосий таклифим ишлаб чиқаришдаги ёшлар билан бирга фаолият кўрсатаётган бошланғичларга муносабатни тубдан ўзгартириш керак. Уларга ҳар томонлама мустақиллик бериш лозим. Ўрни келса мен бу ҳақда съезд минбаридан туриб гапираман.

Ҳар ким ўз дардини айтиб йиғлайди, дейишади. Тўғри, бу ерга келган делегатларнинг ҳар бири турли соҳаларда ишлайди, ўқийди. Суҳбатдошимиз **Фарғона вилояти Ўзбекистон ноҳиясидаги 37-ўрта ҳунар-техника билим юрти комсомол қўмитасининг котиби БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг «Жамоатчи комсомол ўқитувчиси» нишондори Шукрулло СОТИМОВ:**

— Умумтаълим ва ҳунар-техника мактабларини ислоҳ қилиш борасидаги КПСС МҚнинг 1984 йил (апрель) ҳамда 1988 йил (февраль) Пленумларида кўриб чиқилган ва қабул қилинган қарорлар бажарилиши сезилмаяпти. Буни қуйидаги мисолда баён қилиш мумкин. Мактабларимизни техника, зарур асбоб-анжомлар билан жиҳозлаш учун бир қарашда катта пул сарфланаётгандек туюлсада аслида «ўша катта пул»ни ҳар бир ўқувчига тақсимлаб чиқилса 60 сўмдангина тўғри келади, холос. Швейцарияда, масалан, бу кўрсаткич минг сўмни ташкил этади. Биз эндигина мактабларни замонавий асбоб-анжомлар, компьютерлар билан таъминлаш тўғрисида ўйлаётган бўлсак, бошқа давлатларда компьютерларнинг бешинчи авлоди ишлаяпти. Халқ таълими учун ажратилган маҳаллий бюджет миқдори 1956 йилда белгиланган 5-6 фоизни ташкил этганича турибди. Ҳолбуки, ҳозир замон бошқа, талаб ҳам ўзгача. Албатта бу муаммолар бугунми, эртами ўз ечимини топиши керак. Агар билим юртида ўқийдиганларнинг деярли ҳаммаси комсомол-ёшлар эканлигини назарда тутадиган бўлсак, бу ерда ҳам комсомол ўз аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиқиши зарур. Мен бошқа вилоятлардан, жумҳуриятлардан келганлар орасида маслакдошларим кўп, деб ўйлайман ва тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ бир тўхтамга келамиз, деб умид қиламан.

Комсомол ҳақида бу ерда ҳар хил гап эшитаяпмиз. Назаримда, кураш жиддий борадиганга ўхшайди. Менимча, бошланғич комсомол ташкилотидан тортиб БЛКЁИ МҚгача унинг ёшларга таъсири ва жамиятдаги роли пасайганлигини, эскирган иш усули ва услуби туфайли кадрлар қадрияти бир қадар тушганлигини тан олмаслик ҳаққонийликдан юз ўгиришдир. Бугун ёшлар ташкилоти қандай бўлиши, унинг вазифаси асосан нималардан иборат эканлигини аниқлаб олишимиз керак. Ҳар хил гуруҳбозликларга берилмасдан аниқ бир йўлдан, аниқ бир мақсад сари биргаликда ҳаракат қилиш тарафдориман.

Делегатларимиз билан қилган суҳбатларимиздан шу нарса маълум бўлдики, ёшлар қатламлари (ўқувчилар, талабалар ва ҳоказо) ўз қизиқишларига кўра иттифоқ ичида ўз иттифоқларини тузиш тилагидалар. Балки бу мавжуд инқирозли вазиятдан қутилишга, ишни жонланиб кетишига ижобий таъсир кўрсатар. Лекин ана шу уюшма ва бирлашмалар БЛКЁИ тасарруфида бўлар экан, демак ундан қочиш, ажралиб чиқиш тўғрисида эмас, балки ёшлар ташкилотини чинакам қудратли ташкилотга айлантириш ҳақида ўйлаш, бизнингча, заруррок. Бу ерда кадрлар масаласига ҳам катта эътибор бериш керак.

Комсомолни инқирозий ҳолатга олиб келган асосий омиллардан бири жамиятдаги рўй бераётган жараёнларни яхлит кўра олмаслик, десак хато бўлмас. Шунинг учун қабул қилинадиган қарорлар ва кадрлар тайёрлаш масалаларида кўр-кўроналикка йўл қўйиш яна бир мағлубиятга олиб келиши мумкин. Ҳозирча эса кураш давом этаяпти.

РЕДАКЦИЯДАН:

Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ ҳузурида ВЛКСМ XXI съезди ҳақидаги таклиф ва мулоҳазаларни жамлаш ва съезд президиумига етказиш бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Съезд ҳақидаги таклиф ва мулоҳазаларингизни 39-41-83 телефонига қўнғироқ қилиб, билдиришингиз мумкин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси съездолди мунозарасининг боришини, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳаларининг муҳокамаси билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Партия ва жамиятдаги мунозара кенг доирадаги муаммоларга доир турлича фикрларни қиёслаш йўли билан қизғин ва самарали ўтаётганлиги, ана шу партия ҳужжатларини бойитиш учун кўп ва хилма-хил материал бераётганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга кўпгина коммунистлар, партия ташкилотлари КПССнинг баъзи аъзолари мунозарани амалий ўзандан фракциячилик кураши йўлига ўтказиб юборишга, партияда ажралишни келтириб чиқаришга зўр бериб уринаётганликларидан жиддий ташвишланмоқдалар. Ана шундай уринишларга баҳо бериш, партия сафларини жипслаштиришга даъват этиш зарурати туғилди.

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига номзодлар, КПСС Марказий Тафтиш Комиссиясининг аъзолари билан келишилиб, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва вилоят партия комитетларининг котиблари фикрини ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитетининг мамлакат барча коммунистларига «Принципиал негизда жипслашиш учун» очиқ хати тайёрланди, у матбуотда эълон қилинмоқда.

М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Боши 1-бетда).

Сизларнинг иштирокингизсиз бу ишни амалга ошириб бўлмайди, азиз дўстлар. Комсомолларимиз, бутун совет ёшлари, мамлакат йигит ва қизлари мана шу барча ишларда жуда катта роль ўйнашлари мумкин ва зарур.

Биз бошдан кечираётган пайтнинг фожиаси нимада? Мамлакат мен айтиб ўтган бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш даврининг айни қизғин палласини бошидан кечирмоқда. Дарҳақиқат, иқтисодиётимизда чинакам мулкдорлик вазияти ҳукмронлик қилмоқда. Эндиликда буйруқбозлик системаси амал қилмаяпти. Аммо иқтисодий омиллардан фойдаланишга, одамларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини рағбатлантиришга, одамнинг барча ижодий имкониятларини намоён этиш учун асосланган янги система ҳам ҳали тўла-тўкис ишга солинмади. Сиёсий соҳада ҳам аҳвол шундай: партия ўзининг сиёсий авангардликдан иборат янги мавқеига мувофиқ ҳозирнинг ўзидаёқ хўжалик оператив бошқарувидан, давлат турмушининг бошқа амалий масалаларини ҳал этишдан воз кечмоқда ва маълум даражада воз кечди, янги Советлар эса ҳозирча ҳали оёққа турмоқда, улар ўзларининг ҳокимият ваколатларини ҳали тўла даражада ўзлаштирмадилар, нуфузли аппаратни билимдон кадрлар билан тўлиқ таъминламадилар. Ниҳоят, бунинг учун тўла ҳуқуқий асос бор — мен бунда биринчи навбатда Олий Совет неча қабул қилган маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги Қонунни назарда тутаяпман.

Хуллас, бир системадан чиқдик, иккинчисига эса ҳали кирганимиз йўқ. Аслида ҳозир ижтимоий фаолиятнинг ҳамма соҳаларида ана шундай ўтиш ҳолати мавжуд. Бу қайта қуриш жараёнининг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи вазифасини бажараётган ва айни пайтда ўзи ҳам қатъиян қайтадан қурилаётган, акс ҳолда унга етакчилик позицияларидан четга чиқиб қолиш хавф солиб турган партияга ҳам тааллуқлидир.

Энг муҳими — ҳозир бизнинг ҳаракат дастуримиз бор, бу дастур танлаб олинган йўлнинг асосий белгиларини, ижтимоий жараён бўлган қайта қуришнинг мақсадлари ва вазифаларини, янгиланаётган социалистик жамиятда партиянинг ролини аниқ кўрсатиб беради. Ҳаракат дастури коммунистлар, бутун халқ муҳокамасига қўйилган янги Устав лойиҳаси каби бир хил кутиб олинган йўқ, албатта. Кўпгина қўшимчалар, мулоҳазалар, асосли танқидлар айтилмоқда. Ана шу ҳужжатларни муҳокама қилиш, уларни партия съездининг ўзида муҳокама қилиш чоғида бу қўшимчалар, мулоҳазалар ва танқид тегишлича умумлаштирилади ва ҳисобга олинади.

Шу билан бирга, биз партияни танлаб олинган йўлдан четга чиқаришга, уни парчалаб юбориш хавфига дуч келдик. Бир томондан, қайта қуриш жараёни чуқурлашувидан қўрқаётган ёки ҳатто орқага қайтишга, Сталин давридаги, тарихий топган ва ўтган ўн йилликлар давомида унча ўзгармаган турмуш шаклларига қайтишга даъват этаётган консерватив оқим вужудга келди. Бундай орқага қайтиш ҳалокатли бўлур эди, мамлакатни қайтадан тикланиши учун ҳар қандай имкониятдан маҳрум қилиб, уни орқада қолиб кетишга маҳкум этган бўлур эди. Мен бу ўринда орқага қайтиш олдинги тартибларнинг мажбурий қоидаларини: қатағонни, адолатсизликни, сон-саноқсиз қурбонларни, кашшоқликни сақлаб қолишни сўзсиз келтириб чиқариши ҳақида гапираётганим йўқ.

Биз мустаҳкам гражданлик позициясида туришимиз учун орқага қайтиш нималарга олиб боришини кўра билишимиз лозим. Ишончим комилки, халқимиз, биринчи навбатда, ёшлар мамлакатни ўтмишга қайтаришга, эришган эркинлигимиздан ажралишга уринишларни қатъиян рад этадилар.

Иккинчи томондан, жамиятга социалистик принциплардан воз кечишни, аслида 1917 йил Октябридан кейин босиб ўтилган бутун йўлни хато деб тан олишни таклиф қилмоқдалар. Бундай қилиш тарихий тажрибамизнинг муҳим ижобий қисми бўлган ижтимоий ғалабаларимизни хавф остида қолдириш, ижтимоий тараққиётнинг кенг йўлидан четга чиқиш бўлур эди. Чунки кўпгина социалистик ғоялар ва қадриятлар ҳозирнинг ўзидаёқ XXI аср бўсағасида турган бутун инсониятнинг турмушининг нормасига айланиб қолди ва тобора шундай нормага айланмоқда. Ҳозир ҳамма томондан тан олинганидек, бизнинг ижобий тажрибамизсиз ҳозирги замон цивилизацияси бутунлай бошқача тус олган бўлур эди.

Бундай қилиш оғир шароитда мамлакатни индустрлаш учун, замонавий фан ва техникани яратиш учун курашга олиб борган, урушнинг барча қийинчиликларини ўз зиммасига олиб, ғалаба қозонган ва Европа халқларига озодлик келтирган совет кишилари кекса авлоди тарихига нисбатан сотқинлик бўлур эди.

Сизлар агар одамлар хатто ғоят консерватив ёки ўта сўл бўлган тақдирда ҳам ўз қарашларини баён қилсалар, бунинг нимаси хавфли, дейишларингиз мумкин. Ҳақиқатан ҳам биз ошкоралик ва фикрлар хилма-хиллигини қайта қуриш туфайли мамлакатимизда қарор топаётган демократиянинг мажбурий элементлари, деб ҳисоблаймиз. Бу эса, агар бизнинг Конституциямиз мустаҳкамлаб қўйилган давлат ва ижтимоий тузумимиз принципларига зид бўлмаса, ғояларни ва қарашларни оммалаштириш имкониятини кўзда тутади.

Бироқ, гап шундаки, жамиятимизда пайдо бўлган анархиячилардан тортиб монархиячиларгача — сиёсий оқимлар (сиёсий фикрлар хилма-хиллиги ана шундай) турли миллатчилик ва шовинистик қарашларнинг вакиллари ҳокимият учун курашга тобора фаолроқ бел боғламоқдалар. Улар бизни давр олдидаги оддирмоқдалар, бинобарин, биз буни кўрмасликка, тегишли жавоб қилмасликка ҳаққимиз йўқ. Партия, Марказий Комитет ўз позициясини аниқ белгилаб олган. Ҳозирги босқичда бизнинг мақсадимиз — 1917 йил Октябрида Ленин, большевиклар, халқ танлаб олган йўлдан воз кечиш эмас, балки социализмни инқилобий тусда янгилашдан иборат. Бизнинг мақсадимиз — энг аввало жамиятимизда эркинлик, ижтимоий адолат камроқ эмас, балки кўпроқ бўлиши учун мамлакатни тубдан янгилашдир, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий структурасини янгилашдан иборат. Партия ўз сафларини қайта қуриб, ўзининг асосий вазифасини — ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар, халқ зиёлилари манфаатларини ифодалаш, социалистик муддаолар ишлаб чиқувчи ва элтувчи партия вазифасини сақлаб қолиши лозим. Бизнинг мақсадимиз ана шундай, биз ана шу мақсад билан партиянинг навбатдаги съездига бормоқдамиз. Бундай йўл-йўриқ съезд ишида ҳам устун келишига ишонаман.

Комсомол қандай ғоявий-сиёсий йўлни танлаб олишига биз жуда катта аҳамият берамиз, албатта. Ёшлар ташкилотимиз Октябрдан кейинги бутун давр мобайнида партиянинг ёшлар орасидаги таянчи бўлиб келди. Партия билан комсомол ўртасидаги муносабатлар тарихи бир хил эмас. Бундай муносабатлар ўтмишда авторитар-бюрократик система руҳига мувофиқ қурилди. Комсомол ташкилотларини партиянинг бир қисми деб ҳисоблаб келдилар, улар кўп жиҳатдан реал мустақилликдан маҳрум этилган эди. Бу муносабатларнинг ҳаммаси ўтмишга айланиши керак ва ҳозирнинг ўзидаёқ кўп даражада бартараф этилди. Лекин, ўртоқлар, съездингиз танлаб оладиган ғоявий-сиёсий йўлнинг аҳамияти шу қадар кўп ошиб бормоқда. Комсомол ўз вазифасини унутмайди, бундан буён ҳам партия билан ёнма-ён, партия билан бирга боради, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

Инсонпарвар, демократик социализм — бу энг муносиб мақсадки, уни амалга ошириш ёш авлоднинг ҳаёт ишига, унинг мамлакат ва халқ бахт-саодати йўлидаги инқилобий ишига айланиши лозим.

Эндиликда бир асосий муаммога тўхталмоқчиман, комсомолнинг ва бутун мамлакатнинг келажаги шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқ. Ёшларимиз ўзларини сохта пайғамбарлар эргаштириб кетишларига йўл қўймасликларини, уларнинг ҳаётига путур етказиб, мамлакатимизни кулфат тўфонига соладиган чиройли гапларга учмасликларини мен ғоят муҳим, деб ҳисоблайман. Ҳозир мен миллатчилик иблиси деб аташ мумкин бўлган нарса тўғрисида гапирмоқдаман.

Олдинданоқ миллийликни миллатчиликдан аниқ ажратиб олишни истардим. Биринчисига ҳар бир миллатнинг ўзига ҳослигини, тилини, анъаналарини, турмуш тарзини, тарихий хотираларини сақлаб қолишга бўлган қонуний, адолатли интилиши тааллуқлидир. Шуларнинг барчасисиз инсон миллий ўзлигини хис қилишдан маҳрум бўлади, шўрак ўтга ўхшаб қолади. Ҳозир биздаги миллатлараро муносабатлар соҳасида юз бераётган ҳодисаларга баҳо беришдан ўзимни тийиб, яна шуни айтишим мумкинки, партиямиз, давлат ҳокимияти органлари ва Президент сифатида мен совет федерациясини тубдан ўзгартириш йўлларида барча халқларимизнинг энг муҳим эҳтиёжларини қондиришни олдимизда турган асосий вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Миллатчиликка келсак, бу бутунлай бошқа гап. Мен уни қисқача шундай таърифлаган бўлардим: бу — бошқа халқларнинг манфаатларини ҳисобга олмай ёки ҳатто унга зарар келтириб бўлса-да, ўз миллатининг устунлигини таъминлашга, унинг манфаатларинигина қондиришга интилишдир. Шуниси аниқки, айрим кишилардаги миллатчилик бошқа кишиларда фақат миллатчилик руҳини уйғотади. Биз сиз билан ҳозир шу тезисни тасдиқловчи жонли мисолларни биламиз. Ўзига бўлган нафратни кўриб кўпроқ нафратланиш ва бу орқали ўзгалар нафратини ҳам кучайтиришдек сеҳрланган доирага тушиб қолиш юз беради, бу доирадан чиқиб олиш эса ниҳоятда мушкул. Биз ҳозирги турмушимизда буни ҳам кўриб турибмиз.

Миллатчиликнинг ҳар қандай кўриниши, айниқса агар у ёш авлод онгини қамраб олса, даҳшатлидир. Бу — ковжиратиб юборадиган ва кўзларни кўр қилиб қўядиган ҳиссиётдир. Шунинг учун ҳам комсомолда у бошидан кечириши мумкин бўлган ҳар қандай ташкилий ўзгаришлар юз берганда ҳам, унинг келажакдаги тузилиши ва программаси хусусида ҳар қандай қарорлар қабул қилинганда ҳам, бу ташкилотнинг мавжуд бўлиш шарти сифатида ва ҳатто кўп миллатли давлатимизнинг сақланиб қолиши шарти сифатида байналмилаллик принципи ниҳоятда зарур.

Маркс ва Энгельс «Коммунистик партия манифести»да эълон қилган шу буюк ғоя хусусида айтилаётган бемаъни айбловларни рад этиш лозим. Мен байналмилаллик гўёки миллатларни ютиб юборишни, уларни ягона «пролетар қозони»да аралаштириб, эритиб юборади, деган гапларни назарда тутаяпман. Назариётчиларимиз яқин ўтмишда бунинг учун баҳона топиб беришарди. Қолаверса, амалда ҳам авторитар-бюрократик система ҳамма жойда байналмилалликнинг чинакам мазмунини сохталаштирар, барчани бир қолипга солишга, миллатларнинг қўшилиб кетишини тезлаштиришга уринар, бутун-бутун халқларга нисбатан адолатсизлик қилинишига йўл қўярди.

Буларнинг ҳаммаси бўлган, лекин бу барча халқларимизнинг кўп йиллик меҳнати натижаси сифатида вужудга келган улкан олижаноб бойлигимизга путур етказа олмайди. Миллатлар ўзини-ўзи бошқариши, мустақиллиги, ўзига хослигининг сақланиб қолиниши зарурлигини сира инкор этмайдиган байналмилаллик ғоясининг аҳамиятини ҳам камсита олмайди.

Мазкур ғоянинг ҳаётийлигини бугун ҳам Европа, ҳам бутун жаҳон тажрибаси исботламоқда. Чунки инсоният, гарчи босқичма-босқич бўлса-да, турли тўсиқларни енгиб ўтиб, иқтисодий, маданий, сиёсий ва оддий инсоний алоқаларни тобора кенгроқ ривожлантириш томон оғишмай ҳаракат қилмоқда. Озод миллатлар, ўзлигини сақлаб қолиб, ягона инсоният оиласида тобора кўпроқ бирлашмоқдалар.

Келинглар, жаҳон цивилизациясининг бутун тараққиёти бораётган йўналишга тескари йўналишда вақтинча ҳам ҳаракат қилмаслик учун буни ҳеч қачон унутмайлик. Шундай хавфнинг борлиги эса аён, бу хусусдаги фактлар ўзингизга маълум. Халқларимиз дўстлигини тўла тиклаш ва ривожлантиришга интилишни ёш авлоднинг асосий мақсади қилиб қўяйлик, балки бу, комсомолни янгилашдаги асосий вазифалардан бири ва бундай янгилаш қай даражада муваффақиятли амалга оширилишини белгилаб берадиган чинакам синов бўлиши лозимдир.

Ҳозир ҳаммамизни биринчи навбатда ташвишга солаётган масалага қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Бу — қандай қилиб яқин вақт ичидаёқ иқтисодиётдаги, одамларнинг турмуши шароитидаги вазиятни яхшилаш, халқнинг, айниқса, даромади кам бўлган кишиларнинг аҳволини енгиллатиш, истеъмол бозоридаги вазиятни яхшилаш, жамият турмуши бутун муҳитини заҳарлаётган, одамларни йўлдан ураётган тақчилликни қисман бўлса-да. тугатиш маласидир. Вазиятни таҳлил қилиб чиқиб, биз иқтисодий ислоҳот ўтказишни тезлаштириш, бу йўналишда 1992-93 йилларда ўтказиш мўлжалланаётган асосий тадбирларни шу йили ва келаси йилнинг бошларидаёқ амалга ошириш зарур, деган хулосага келдик.

Президент ва Президентлик кенгаши иқтисодиётдаги ўзгартишларга янги жўшқинлик бахш этадиган ва аввало Олий Совет қабул қилган фундаментал қонунлар асосида хўжалик юритишнинг янги принциплари самарали амалга оширилишини таъминлайдиган бир қанча тадбирларни қабул қилиш учун яқин вақт ичида давлат бошлиғи ваколатларидан фойдаланиш ниятида.

Шошма-шошарлик қилмаймиз. Бу масала хусусида аниқ фикр билдиришдан ўзимни тийиб, фақат шуни айтаманки, шанба куни Президентлик Кенгаши билан Федерация Кенгашининг қўшма мажлиси бўлади. Унда Совет ҳукуматининг шу хусусдаги таклифларини кўриб чиқиш режалаштирилган. Дастлаб ечимни танлаб олиш, кейин эса халқ муҳокамасига қўйиш лозим. Лекин вазият фараз қилиш имконини берди, булар ғоят мушкул, лекин зарур қарорлар бўлиши керак ва ишни бундан буён қандай олиб бориш масаласи юзасидан миллий келишувга эришишимиз талаб қилинади.

Олдинда ғоят масъулиятли вазифа турибди, лекин оммавий ахборот воситаларида ҳозирнинг ўзидаёқ бир талай тахминлар ва башоратлар пайдо бўлди. Айрим журналистлар, матбуот органлари яқинда бўладиган мажлисларнинг якунларини кутишга сабрлари чидамай, шов-шув кўтаришаяпти, сал бўлмаса иқтисодий ўзгартишларни радикаллаштириш йўлига ўтишга даъват этишаяпти.

Ҳайратланарли томони шуки, биз гоҳ ислоҳотларнинг суст бораётганлигини, журъатсизликни, чалакамчаттиликни жаҳл билан танқид қиламиз, уларни тезлаштиришга зўр бериб даъват этамиз, гоҳида эса ўйламасдан, ҳатто уларни жадаллаштириш хусусидаги таклифлар билан танишиб чиқмасдан. «Но пасаран!» (ўтмайди) деб бор овозимиз билан қичқирамиз.

Буларнинг ҳаммаси турмушимиздаги, қайта қуриш жараёнидаги бор гаплар. Сиз бу хусусда куч-ғайрат тўлиб-тошадиган комсомол ёшида мумкин бўладиган даражада мулоҳазали бўлишингиз лозим. Ҳозир замон шунақа, ёшлар иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш режаларини амалга оширадиган «зарбдор бригада» бўлиши керак. Сусткашлик мамлакатдаги вазиятни кескинлаштираяпти, биз бир йўлни танлашимиз ва шу йўлдан қатъият билан боришимиз даркор.

Ёшларнинг, албатта, ўз ҳаётий мақсадлари ва эҳтиёжлари бор. Ёшлар муаммолари ҳозир бутун мураккаблиги билан ошкор бўлиб, гўё бир йўла тошиб чиқди. Улар жамиятнинг бутун диққат-эътиборини ўзига қаратди, айни қайта қуриш ёш авлоднинг кескинлашиб кетган муаммоларига иш билан кечиктирмай жавоб бериш заруратини намоён этди. Аввало, давлатнинг ёшларга доир яхлит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарур. Бутуниттифоқ XIX партия конференциясидаёқ шундай қарорга келинган эди. Шу кунларда СССР Олий Совети бундай сиёсатнинг умумий асосларини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқмоқда — бу хусусдаги қонун лойиҳаси, менга айтишларича, кеча биринчи муҳокамада қабул қилинди.

Авж олган муҳокама давомида ёшлар тўғрисидаги махсус қонун ҳужжатларининг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида хилма-хил, шу жумладан, салбий қарашлар билдирилмоқда. Дарҳақиқат, ҳамма нарсани навбатдаги концепцияни ишлаб чиқишга, марказда қарорлар қабул қилиниши ёки миллиардлаб сўмлик афсонавий маблағ ажратиш тўғрисидаги мулоҳаза юритишга айлантиришдан фойда йўқ. Асосийси, менимча, бутун жамиятда ёшлар тўғрисида реал ғамхўрлик қилиниши томон қатъий бурилиш ясалишига эришиш, ёшларнинг умумсиёсий ва ижтимоий жараёнларда тенг ҳуқуқ билан иштирок этишига кафолат беришдир. Бизда бундай бўлмаган, бунинг устига, бугун биз айтишимиз мумкинки, ёшлар хусусий мулкдан ҳам, ишлаб чиқаришдан ҳам, эҳтимол ҳокимиятдан ҳам ва қандайдир даражада маданиятдан ҳам жамиятнинг бошқа қатламларига нисбатан кўпроқ бегоналаштирилиб қўйилган.

Истиқболни ҳисобга олиб, иқтисодий ҳуқуқий жиҳатдан ёшларнинг манфаатларини амалга ошириш учун шароит яратиш, ўзгариб турган иқтисодий муносабатлар шароитида уларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза этиш муҳимдир. Давлат ва жамият ёшларга аввало улар ҳаётда дастлабки қадамларни қўяётган пайтда мададкор бўлиши лозим. Лекин инсоннинг жамиятдаги ўрни шунчаки унинг ёши билан эмас, балки қобилиятлари, билим даражаси, малакаси, ишга муносабати билан белгиланиши керак. Бу қандайдир имтиёз бўлмаслиги даркор.

Ёшларнинг жамият турмушида тўла иштирок этишлари сиёсий жиҳатдан қоидага айланиши лозим. Лекин шуни айтишим керакки, энг яхши қонунлар, демократия, ошкоралик — бу ҳали мақсадга эришиш учун кафолат эмас. Кўп нарса сизларнинг позициянгиз ва фаоллигингизга боғлиқдир. Ўтган сайлов кампанияларини таҳлил қилиб, сизларнинг ҳам, бизнинг ҳам умидларимиз оқланмаганлигини тан олиш керак. Бу партиянинг ёш авлодга доир фаолиятидаги камчиликлардан ҳам, ёшларнинг ўзининг муайян қисмидаги заифлик ва ғўрликдан ҳам далолат беради. Баъзилар ҳозирча митинглардан нари ўтишолмади. Митинглар уюштиришнинг машқини олишди-ю, лекин сиёсий жараёнда иштирок этиш санъатини ҳали ўрганишмади.

Партия ва бутун жамият учун ёшларни сиёсий фаолиятнинг хилватгоҳларида ушлаб туришдан маъно йўқ. Бу мамлакат учун кулфат холос ва биз муайян босқичларда бунинг қандай бўлганини ҳамда нима билан тугаганини биламиз. Ҳокимият барча бўғинларининг, аппаратнинг қариши, куч-ғайратдан маҳрум бўлиш, консерватизм, жамият тараққиётига путур етиши билан тугаган эди.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш йигит ва қизларнинг ўз гражданлик бурчларини ҳалол бажаришларидан ажралмасдир. Жонли диалектик алоқа ана шундай ва ёшлар ҳаракатида мамлакатни янгилашдан иборат инқилобий жараённинг чинакам онгли ижодкорлари фақат шу йўсинда тарбияланиши мумкин.

Ижтимоий планда жамиятдаги бутун муҳит, давлат сиёсати ёш авлод ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга, бу имкониятларни ўстириш ва кўпайтиришга ёрдам бериши керак. Бу ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасига, халқ таълими системасига, фан ва маданиятга ҳам баб-баравар тааллуқлидир. Харажатлар орасида таълим ва маданиятга сарфланадиганидан кўра кўпроқ самара берадигани йўқ. Биз буни аллақачон тушуниб олдик, лекин бу тушунча конкрет қарорларда ҳали чинакамига ўз аксини топгани йўқ. Мамлакат йигит ва қизлари ҳаётга тайёргарлик кўриб, қўшилишлари учун шароитлар яратишда дастлабки қадамлар қўйилди, холос. Бу соҳада муаммолар кўп ва улар фақат молиявий муаммолар эмас. Буларнинг ҳаммаси — давлатнинг, лекин шу билан бирга комсомолнинг ҳам вазифаси ва ташвишидир.

Қадрли ўртоқлар, ҳар бир янги авлод ҳаётга ўзича қадам қўяди. Сизнинг йўлингизнинг ўзига хослиги ҳам бетакрордир. Бунинг сабаби аввало шундаки, сизлар алоҳида бир даврда яшамоқдасиз. Сизнинг ёшлик йилларингиз қайта қуриш даврига тўғри келди. Бу тарихий жараённинг буюк янгилиги янгича тафаккурни талаб қилади, тор қарашларни инкор этади, эски ақидаларни бузиб ташлайди, билим ва ахлоқ-одобнинг ролини юксалтиради. Сиз, ёшлар, ўтмиш тажрибаси ва эски билимлар ижобий жавоб бермаётган нарсаларнинг кўпини англаб етишингиз ва ўзингиз учун, қолаверса бутун жамият учун қайта кашф этишингиз керак бўлади.

Ишончим комилки, жамиятдаги янги жараёнлар объектив равишда ўзининг бутун келажакка интилиши билан туб ўзгартишлар зарур эканлигига қаратилган. Улар пировард натижада ёшларга, уларнинг орзу-умидлари ва ҳаётдаги режаларига қаратилган. Келинглар, давр келтириб чиқарган ва олдимизга қўйган ғоят мушкул вазифаларни ҳал этиб, шу йўлдан биргаликда борайлик.

* * *

М. С. Горбачев съезд делегатларининг кўплаб саволларига жавоб қайтарди. Саволлар ва уларга берилган жавоблар матбуотда эълон қилинади.



СУРАТДА: ВЛКСМ XXI съезди делегатлари залда.

Сураткаш Е. БОТИРОВ.

Хориждан хабарлар

Телетайп лентасидан

● СОФИЯ. БХР президенти Петр Младеновнинг мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий кучларнинг раҳбарлари билан давом этган маслаҳатлашувларида демократияга тинч йўл билан ўтишнинг муҳимлиги таъкидланди. 6 апрель куни бошланган маслаҳатлашув Болгария сиёсий турмушининг долзарб муаммоларига бағишланган эди. Душанба куни давлат бошлиғи ватан уюшмаси миллий кенгашининг раиси Гиньо Ганев, «Никола Петков» Болгария деҳқонлар халқ уюшмасининг бош секретари Милан Дренчев, Болгария социал-демократлар партиясининг раиси Петр Дертлиев, кўкатпарварлар партиясининг раиси Александр Каракачанов, бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари билан учрашди.

Учрашув чоғида П. Младенов буюк халқ кенгашига шу йилнинг июнь ойида режалаштириб қўйилган сайловга ақлидрок билан ва тинч тайёргарлик кўриш жараёнини таъминлаш зарурлигини уқтирди.

● ХАРАРЕ. Зимбабве президенти Роберт Мугабе мамлакат ҳукуматининг янги составини эълон қилди. Ҳукумат структураси илгаригидек сақлаб қолинган. Саймон Музенда мамлакат вице-президентлигича қолган. Бироқ Р. Мугабенинг таъкидлашича, яқин орада парламент эътиборига иккинчи вице-президентлик лавозимини тайин этиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тақдим этилади. Бу лавозимни ҳозирча президент маҳкамаси ҳузуридаги катта вазир мансабини ўзида сақлаб қолган Жошуа Нкомо эгаллайди. Ташқи ишлар вазири Натан Шамуярира билан ички ишлар вазири Мовен Махачи ўзларининг илгариги лавозимларида қолдилар. Илгари шахталар вазири бўлган Ричард Хове мудофаа вазири этиб тайинланди. Бошқа бир қанча вазирликларда мансабдорларнинг лавозими ўзгартирилди.

Президент ҳукуматнинг янги составини март ойининг охирида бўлиб ўтган парламентга ялпи сайловдан кейин эълон қилди. Бу сайловда ҳукмрон Зимбабве африкаликлар миллий уюшмаси партияси — ватанпарварлик фронти ғалаба қозонган эди.

(ТАСС).

Президентнинг айтганлари

ПРАГА. (ТАСС). Чехословакия, Венгрия ва Польша қалин ҳамкорлик қила бориб Европа ҳамда қўшни мамлакатлар учун янада жозибали ва доимий шерик бўлишларига, қитъада рўй бераётган жараёнларга янада салмоқли ҳисса қўшишларига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, деди «Руде право» рўзномаси мухбири билан суҳбатда Польша жумҳуриятининг президенти В. Ярузельский.

Менинг назаримда, деб таъкидлади у, Атлантикадан Уралга қадар бўлган Европа ҳақида гапириш керак. Ана шу катта Европада жойлашган давлатларни бир-бири билан юзаки қиёслаш мумкин эмас, лекин бир нарса равшан: Шарқ билан Ғарбда, биринчи навбатда Германияда рўй бераётган ўзгаришлар ҳам янги муаммоларни, ҳам янги имкониятларни юзага келтирмоқда. Ана шу имкониятлардан асосан икки соҳада — хавфсизлик соҳасида ва иқтисодиёт соҳасида фойдаланиш муҳимдир.



Финляндияликлар асрлар оша ўтиб келаётган халқ қўшиқларини, куй ва рақсларини, ўзларининг миллий анъаналарини кўз қорачиғидек асраб, авлоддан авлодга мерос қолдирадилар.

Суратда: Финляндиянинг шарқий ҳудудида яшовчи халқлар ўртасида кенг тарқалган, қадимий, миллий аёллар кийими.

ТАСС сурати.

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

ЛОНДОН. (ТАСС). СССР ва Польшага қилган сафаридан яқинда қайтиб келган савдо ва саноат вазири Николас Ридли Буюк Британия билан Совет Иттифоқи, шунингдек, Шарқий Европа мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришни ёқлаб гапирди.

У Британия саноат корхоналари эгаларини саноат ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга муҳтож бўлган шарқий Европа мамлакатлари бозорларига зудлик билан чиқишга чақирди.

Жуда катта бозорлари бўлган Совет Иттифоқи ва Польша сингари мамлакатларда, деб таъкидлади вазир, Британия савдо-саноат доираларининг намояндалари учун амалий иш олиб боришда амалда чекланмаган имкониятлар очилмоқда.

Н. Ридлининг Шарқ-Ғарб иқтисодий алоқаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасидаги баёноти Буюк Британия кредит-экспорт кафолати бошқармаси — бу соҳада мамлакатдаги етакчи молия муассасасининг қарори билан тўғри келди. Бу қарорда СССР ва Шарқий Европа мамлакатлари иқтисодиётига сармоя тўплаш ниятида бўлган Британия савдо-саноат доираларининг намояндалари учун катта имконият яратилиши айтилган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

КУТИЛМАГАН ЖОЙДАГИ БОЙЛИК

● БИРЛАШГАН Араб Амирлигидан Исломободга (Покистон) келиб қўнган тайёрани божхона ходимлари кўздан кечираётиб, тайёра хожатхонасида турган сумкани кўриб қолишди. У ифлос қоғозлар билан лиқ тўла эди. Ходим аввалига бурнини жийирди, сўнг сумкани оёғи билан нарига суриб кўрди. Лекин сумкани ўрнидан қўзғатолмади. Шунда қизиқиб ичини қараган эди... 50 минг долларлик олтин ёмбиси чиқди. Қизиғи шундаки, 70 йўловчидан бирортаси ҳам олтин меники, деб тан олмади.

БАДАВЛАТ КИШИЛАР

● БУЮК БРИТАНИЯ. «Санди таймс мэгэзин» жаридаси 200 кишининг рўйхатини эълон қилди. Улар энг бадавлат одамлар. Уларнинг умумий сармояси 48 миллиард фунт стерлингни ташкил этиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 9,4 фоизига тенг.

Британия қироличаси Елизавета II бадавлатликда биринчи ўринда туради. Унинг 6,7 миллиард фунт стерлинг бойлиги бор. 4,2 миллиард фунт стерлинг сармояси бўлган Вестминстер герцоги иккинчи ўринда. Умуман мамлакатда 11 нафар миллиардер бор. Шунингдек, Британияда миллионерлар ҳам талайгина. Сармояси 50 миллион фунт стерлингдан ошадиганлар рўйхатга киритилган. Масалан, «Битлз» ансамблининг собиқ аъзоси Пол Макартнининг (350 миллион фунт стерлинг), «Роллинг Стоунз» группасининг солисти Мик Жеггернинг (75 миллион фунт стерлинг) бойлиги бор.

Маҳалла жонкуяри

Жумҳуриятимизнинг ҳамма жойларида (ўтган сайловларда ўта олмай қолган депутатликка номзодлар ўрнига) Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга депутатликка номзодлар билан учрашувлар ниҳоясига етмоқда. Сайловчилар ўз номзодларига дилларидаги ташвиш ва дардларини, истакларини, орзу-умидларини, талабларини баён этмоқдалар. Уларга ўз ишончларини билдирмоқдалар.

Тошкент шаҳар 49-Жуковский сайлов мавзесидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган Неъматулла Ҳасановнинг таржимаи ҳолидан бир неча сатр. У 1936 йилда Фарғона вилоятининг Қува ноҳиясида деҳқон оиласида туғилган.

1963 йилда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунунининг тарих факультетини тамомлади. 1963-1966 йилларда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги кинематография Давлат қўмитаси раиси ёрдамчиси, кейинчалик катта йўриқчи лавозимларида ишлади. 1966 йилдан Тошкент политехника институтида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1980 йилда фан номзодлиги учун диссертация ҳимоя қилди.

Институтда ишлаётган даврда бир неча бор факультет кафедра фирқа ташкилоти бюросида котиб, касаба уюшмаси раиси этиб сайланди. Илмий-педагогик фаолияти билан бирга у ёшлар ўртасида тарбиявий ва тарғибот ишларини ҳам олиб борди. Айниқса ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш, шунингдек, ободонлаштириш юзасидан маҳалла аҳолиси ўртасида олиб бораётган ишларини алоҳида таъкидлаш керак.

Ҳозирги кунда у Нодира номли маҳалла қўмитасининг раиси ҳамда Ҳамза ноҳияси маҳаллалар қўмитаси ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси бўлиб ишламоқда. Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига ҳам сайланган.

У қарийб 25 йилдан бери Тошкент политехника институтида талабаларга сабоқ беради. Олий мактаб талабаларининг тарбия йўналишлари бўйича қўша-қўша асарлар ёзган.

Неъматулла Ҳасанов сўнгги икки йил ичида ижтимоий-иқтисодий, миллий ва миллатлараро муносабатлар, тил муаммоларини адолатли ҳал этишга бағишланган 20 дан ортиқ мақола ёзди ва ойнаи жаҳон орқали чиқишлар қилди.



Депутатликка номзоднинг сайловолди ҳаракатномаси сайловчилар кўнглидаги гаплардир. Ўзбекистон жумҳуриятида иқтисодий, сиёсий мустақилликни, жумладан, барча ер ости ва ер усти бойликлари шу элнинг, юртнинг мулки, деб эълон қилишни, ҳар бир корхона, завод жумҳуриятимизга бутунлай бўйсунишини таъминлаш борасида фаоллик билан иштирок этиш, Олий Кенгаш мажлисларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фирқа, давлат аппаратидаги бюрократияга қарши курашиш, экологик муҳитни соғломлаштириш, барча миллатларнинг аҳиллиги, иноқлигини, дўст ва биродарлигини мустаҳкамлашни ҳимоя қилиш, оналар ва болалар меҳнатини тўғри ташкил этиш ва бу борада қабул қилинадиган қонунларнинг жойларда бажарилишини депутатлик назоратига олиш, Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат тили ҳақидаги Қонунни бундан буён ҳам амалга оширишда фаол бўлиш ва бунда шахсий намуна бўлиш кўзда тутилгандир.

Бизга маълумки, узоқ йиллар давомида, айниқса турғунлик йилларида, аҳолининг истиқомат жойларидаги, маҳаллалардаги таркиб топган халқнинг ижобий турмуш тарзини тарғиб қилишга, илғор урф-одатларимизни, удумларимизни умумхалқ, умуминсоният мулкига айлантиришга мутлақо эътибор берилмай келинди. Маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантириш фирқа, совет ташкилотларининг назаридан четда қолди.

Маҳаллалар ишини жонлантиришда номзодимиз бошчилик қилаётган Ҳамза ноҳияси маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг иши мақтовга лойиқдир. Кенгаш ишини, асосан маҳалла муаммоларини биргаликда ҳал қилиш, ободончиликка барчанинг эътиборини қаратиш, ҳашар йўллари билан маҳаллаларни обод қилиш борасида тажриба алмашиш, тўй маросимларини ихчам ўтказишда ҳам унинг хизматлари беқиёс катта бўлмоқда.

Айниқса Н. Ҳасанов бошчилик қилаётган Нодира номидаги маҳаллада анча-мунча ишлар қилинди. Масалан, кейинги уч-тўрт йил ичида оилавий келишмовчиликлар кескин камайди. Маҳаллада ўртоқлик судига кейинги беш йил ичида бирорта иш келиб тушмади. — Мен, — дейди Неъматулла Ҳасанов, — депутат бўлиб сайлансам ҳам, сайланмасам ҳар барибир имконият бор экан, халқим бахт-саодати, эл-юрт фаровонлиги йўлида астойдил ҳаракат қилавераман.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод Неъматулла Ҳасанов сайловчилар ишончига сазовор бўлишига ишончим комил.

Ўткир АМИРОВ,
ТошДУ доценти, тарих фанлари номзоди.

Бизнинг номзодлар

ИШОНЧНИНГ БАҲОСИ БОРМИ?


«Коммуна» рўзномасида эълон қилинган Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига такрорий сайлов бўйича рўйхатга олинган номзодларга кўзим тушиши билан Рустамга осон бўлмаслигини англадим. 434-Бўстон сайлов мавзесидан ўз номзодини қўйганлар орасида Риштон ноҳия комсомол қўмитасининг иккинчи котиби Р. Бойматов билан бирга яна 13 киши бор. Бу рўйхатга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг раҳбарлари, қурувчилар, ноҳия прокурори, ҳатто «Огонёк» жаридасининг Ўрта Осиё бўйича мухбири ҳам киритилган. Энг муҳими Рустам номзодларнинг энг ёши.

— Мен рақибларимдан асло чўчиётганим йўқ, — дейди Рустам. — Чунки уларнинг кўпчилиги номигагина сайловолди курашида иштирок этишяпти. Айримлари ҳатто маҳаллийчилик йўли билан рўйхатдан ўтишган. Аммо, имоним комилки, номзодимни кўрсатган сайловчилар мени доғда қолдирмайди.

Рустам Бойматовни ноҳия комсомол қўмитаси пленуми ва у яшаб турган қишлоқ аҳли депутатликка номзод қилиб тавсия этишган. Тўғри, у ҳам бир гапга рақобатчилик қилаётган айримларга ўхшаб сайловчиларга тоғ-тоғ ваъдалар бериш фикридан йироқда. Шу боис уни халқ ишончини оқлашга аҳд қилаётганлигининг ўз мақсадларига ҳар хил йўллар билан эришиш борасидаги ҳаракати ўйлантиради. Ўтган синовларда номзоди қўйилган раҳбарлар ўз хизмат вазифаларини ҳам сайловолди ҳаракатномасига киритишган қизиқ бўлганди.

Ёшлар етакчиси учун сайловолди кураши олиб бориш қийин иш эмас. Зеро, 18 февралда бўлиб ўтган сайловларда у номзодлиги иккинчи вакили сифатида иштирок этганди. Ўшанда «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» давлат хўжалиги комсомол қўмитаси котиби Бахтиёр Мадумаров билан бирга ҳаракат қилганди. У ёшлар номзодининг етарли овоз олишига ишонарди. Бахтиёрнинг рақиби ҳам ҳазилакам эмасди. Комсомол етакчисига йирик жамоа хўжалигининг раиси рақобатчи бўлди. Ҳарқалай бошлиқнинг имкониятлари Бахтиёрникига қараганда кўпроқ бўлиб, у халқнинг кўнглини олиш мақсадида кўп ҳаракат қилди. Ўз навбатида Бахтиёр ҳам қараб турмади.

— Ростки, мени сайлов натижалари чиқмасиданоқ рақиб томондагилар тантанани бошлаб юборишгани ўйлантириб қўйди, — дейди Рустам. — Овоз бериш олдидан бир неча кун ухламагандик. Нима бўлса ҳам якунлар кутилди. Бизга овоз бераётган сайловчиларга умид боғлаганмиз. Уларнинг ёшларга ишонч билдиришига имоним комил эди. Аммо натижалар ҳар икки томонга ҳам ғалаба келтирмади. Биз ҳам, рақибимиз каби 50 фоиз овоз ололмадик. Натижада бу мавзе бўйича қайта сайлов ўтказишга тўғри келди.



Рустам менга вилоят рўзномасида босилган ўзининг «Қўлимиз нега калта?» сарлавҳали мақоласини кўрсатди. Рости, бу чиқишга кўз югуртирар эканман, ёшлар етакчисининг дардлари оз эмаслигига яна бир бор амин бўлдим. Рустамни ёшлар ташкилотининг инқирозга учрагани ташвишга солмоқда. Йигит ва қизларнинг комсомолга бўлган ишончнинг сўниб бориши қачон барҳам топади? Зеро, бугун қуруқ ваъдалар ва хашаки ташвиқот билан ҳеч кимни ажаблантириб бўлмайди. Комсомол котиби ана шу масалаларни ҳал этиш йўлларини излайди. У тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш учун вақт ва ишонч даркорлигини яхши билади. Вақт топиш мумкин, аммо ишончни қўлга киритиш осон юмуш эмас. Турғунлик йилларида комсомол фирқанинг ёрдамчиси бўлиш ўрнига, унинг қуролига айланиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Истаган жойга юбориш, тўғри келган ишни бажаришга мажбур қилиш ҳолларидан кўз юмиб бўладими? Хўжалик комсомол қўмитаси котиби макка экилган майдон қўриқчиси бўлгани кечаги кунимиз эмасми? Худди ана шу сингари тоқат қилиб келинган иллатлар ҳам ёшлар ташкилотларига зимдан зарба берди. Уни йигит ва қизлар ҳаётидаги тааллуқли бўлган муаммолардан четда туришга мажбур этди. Аксига олиб, бу юмушлар билан ҳеч ким шуғулланмади.

Бўлажак депутатнинг ҳаракатномасига кўз югуртираман. У уч қисмдан иборат бўлиб, сиёсий, ижтимоий ҳамда экология масалаларини қамраб олган. Бундай йўлаб қаралса, унда тилга олинган вазифаларнинг кўпчилигини бемалол бажарса бўлади. Зеро, бун Рустам депутат бўлмаса ҳам амалга оширишга мажбур. Агар халқ унга ишонч билдирса, ҳаракат кўлами кенгайиб, ўртага қўйилиши лозим бўлган масалаларни жумҳурият миқёсида ҳал этишига шубҳа йўқ.

— Рустамни бизда ҳамма танийди, — дейди ноҳиядаги ишончли вакили 4-мактаб ўқитувчиси Мирзаабдулла Жўрабоев. — Йўқ, у ноҳия қўмитасида ишлаётгани учун эмас. У ёшлигидан қобилиятли, истеъдодли, изланувчан эди. Ўз йўлида исёнкор ҳам деб аташ мумкин уни. Камчиликларга муросасизлиги учун аввалари тез-тез хўжаликларнинг собиқ раҳбарлари билан тортишиб қоларди. Табиатан атрофидагиларни ўзига жалб қила олиш фазилатига эга. Мактабимиз шаънини жумҳурият миқёсида ҳимоя қила олганлиги, 10-синфни олтин медаль билан тамомлаганлиги ҳақида ҳанузгача ўқувчиларга гапириб юрамиз.

Котибнинг бевосита иштироки ва йигит-қизлар ташаббуси билан Булоқбоши қишлоғида ёшлар қўмитаси тузилган. Улар яқинда ҳашар йўли билан спорт майдончаси қуришди. Ҳар куни кечқурун соат 7 дан то 10 гача бу ерга тўпланган қишлоқ аҳли турли хил машғулотлар билан шуғулланади, қизиқарли суҳбатларда иштирок этиши мумкин. Қўмита аъзолигига бириккан 60 дан ортиқ ёшнинг кўпчилиги ўз сўзининг устидан чиқадиган, тиришқоқ йигитлардир. Уларнинг орасида икки нафар ҳеч қаерда ишламайдиган ёш бор. Уларни иш билан таъминлаш ёшлар қўмитасининг диққат-марказида. Ёшлар ноҳия комсомол қўмитасидан видеомагнитофон олишга ёрдамлашишни сўрашмоқда.

Оқер қишлоқ кенгашида бўлиб ўтган учрашувга 434-Бўстон сайлов мавзесидан рўйхатга олинган номзодларнинг ҳаммаси иштирок этишди. Тўпланганлар илк бор ўз номзодлари билан учрашиб, ўзларини қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоб олишди. Рустамга берилган саволлардан бири шундай бўлди:

— Агар сиз маҳкамачиликка дуч келиб, юқоридан кимдир номзодингизни қайтариб олишни таклиф этса, қандай йўл тутардингиз?

— Шундай бўлиши ҳам мумкин, — деб жавоб берди Рустам, — аммо виждонимга қарши иш тута олмайман. Менга умид боғлаган сайловчиларнинг ишончи ҳаммасидан устундир. Имоним комилки, ёшлар ишончини баҳосиз ўрнига қўйиш керак. Тенгдошларим назаридан четда қолиш асло мумкин эмас. Зеро, шу йўл билан бой берилган имкониятларни тиклаш мумкин.

И. УСМОНОВ.
Фарғона вилояти.

Ҳурматли йигит-қизлар! Биз келажагимиз кимнинг қўлида эканлигини аниқ ҳис қилган ҳолда сайловларда фаол иштирок этайлик. Рустам Бойматов сингари ўз сўзида турадиган, ёшлар муаммосини ҳал этишга жон-дилидан курашаётган етакчилар учун овоз берайлик. Токи, сиз шу йўл билан ёшларимизнинг жумҳурият Олий Кенгашидаги вакилларига катта имконият яратган бўласиз.

Танишинг: ВЛКСМ XXI съезди делегати

Собирни шундай таништиришди: «Ноҳиядаги энг ёш раис. Бунақаси жуда кам бўлади». Ҳамма гап ана шу «кам» бўлишида. Ўттизни қоралаб хўжаликка бош бўлса, нимаси ёш. Ахир барча яхши фазилатлар — ишлаб чарчамаслик, янгиликка интилиш, нималарнидир кашф этишга мойиллик ёшликка хос-ку. Лекин «ёш» раҳбар бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ёшлик сўзи ёнида кўп ҳолларда «ғўрлик» тушунчасининг посангиси тарозисини босиб кетаверади. Балки Собир Муродов — Иштихон ноҳиясидаги «Меҳнат—роҳат» жамоа хўжалигининг раиси комсомол съездига делегат этиб сайланмаганида ана шундай ёш раҳбар борлигидан бехабар қолармидик.

Ёшлик—ғўрлик эмас

— Ёшлигимиздан кексалар қулоғимизга бир гапни қуйиб келишган: «Меҳнатнинг тагu роҳат». Жамоа хўжалигингизнинг номи ҳам «Меҳнат — роҳат» экан. Айтинг-чи, ундаги меҳнаткашлар меҳнатларининг роҳатини кўришаяптими?

— Йўқ, кўришмаяпти. Колхоз сурункасига саккиз йил маҳсулотнинг кўп турлари бўйича давлат режаларини бажармай келди. Иқтисодий жиҳатдан «ўтириб» қолган. Қаддини ростлаш учун олдин икки миллион юз минг сўм қарзидан қутилиши керак. Мен хўжаликка келганимда бу рақам 3,5 минг сўм эди. Икки йилдан бери давлатга пахта сотиш режасини ошириб бажараётганимиз учун бир қисмидан қутилдик. Бу йил аҳволни янада яхшилаш мақсадида пахтани фақат уруғликка экмоқчимиз.

Турмуш шароитига келсак хўжаликнинг 90 фоиз аҳолиси ҳаттоки ичимлик суви билан таъминланмаган. Ноҳиямизда ҳам аҳвол шу. Суриштириб кўрсам вилоятда бу иш билан шуғулланадиган алоҳида ташкилот йўқ экан. Битта ҳам хонадонларда газ йўқ. Бошқа ерларни Ўзбекистон керагича таъминлаб ётибди. Уч йил аввал уч километр ернинг лойиҳа-сметасини ўн беш минг сўмга тайёрлатган эдик. Лекин камбағални туянинг устида ит қопибди, деганларидек, газ қувурларининг нархи ошганлиги сабабли қайтадан лойиҳа тузишга тўғри келди. Илгариги маблағ куйиб кетди. Янгисини туздирдик. Бироқ, орадан шунча йил ўтибди ҳамки, жим-житлик.

Хўжаликда 720 нафар мактаб ёшигача бўлган болалар бор. Уларнинг 330 нафаригина боғчага боради. Янги боғчалар қуришга пулимиз йўқ. Шу сабаб «уй боғчалари» ташкил этмоқчимиз. Бу билан биринчидан, болалар қаровсиз қолмаслигига, иккинчидан, ишсизларнинг оз қисми бўлса-да, иш билан таъминланишига эришардик.

Бизда ерга нисбатан аҳоли кўп. Инсонга 6-7 гектар ер тўғри келсагина, ҳар томонлама эҳтиёжини қондириш мумкин экан. Бизда бу кўрсаткич киши бошига 1-2 гектарни ташкил қилади, холос.

— «У кам, бу кам»лар сизни қийнаб қўйганга ўхшайди. Ҳар нечук менда шундай таассурот қолди.

— Ҳеч нарса йўқ жойда раҳбар бўлиш жуда қийин экан. Ахир колхозчилар мени нимадир қилиб беришимга умид қилиб сайлашган. Шу боис қўлимдан келганича ҳаракат қилаяпман. Хўжалик маъмурий биносини Самарқанд мебель фабрикаси филиали учун топшираяпмиз. Ўзимиз хўжалик гаражидаги 3-4 та хонага кўчиб ўтамиз. Филиал ишга тушса, қанча, киши иш билан таъминланади? Бундай корхоналар ноҳиямизнинг уч жойида очилади. Унутилиб кетаётган ҳунармандчиликни тиклаш ниятимиз бор.

Яқин-яқингача хўжалигимизда 20 гектарлик ажойиб ўрмон бўларди. 1983 йилда бир «ақллининг» тавсияси билан ўша ўрмон қирқиб ташланди. Дарахт ҳашаротлари пахта майдонларини қоплаб олаётганмиш. Аслида бу ниқоб эди. Ўрмон майдони пахта экишга керак бўлган. Югур-югурлардан кейин унинг 6 гектаринигина сақлаб қола олдик. Ўша ўрмонни қайтадан барпо этиш керак. Болалар учун соғломлаштириш лагерининг жойи эди у. Бу йил ўша жойда ана шундай лагерлардан бирини очмоқчимиз.

Болалигимда кўчалар файзлироқ эди. Мактабга бориб келгунча мева еб кетар эдик. Қани ўша боғлар? Хўжалик маъмурий биноси яқинида икки гектарлик анорзор бор эди. Пахта учун қурбон қилинди. Уни тиклашга фақат қунт керак. Хуллас, бу йил 12 гектарлик боғ барпо этмоқчимиз. Яна бир гап: зиғир ёғда тайёрланган паловни кўпчилик унутиб юборган бўлса, ажаб эмас. Унутмаганда ҳам ҳозир бу ёғнинг килоси 6-8 сўм. Оддий меҳнаткаш учун жуда қиммат. Минерал ўғитга тўйинган пахта ёғини истеъмол қилавериб, кўп касалликлар орттирдик. Шунинг учун бу йил 20 гектар ерга кунжут, зиғир экмоқчимиз. Ҳозирча мойжувозимиз йўқ. Бироқ ҳосил яхши бўлса, қурдирамиз. Бундан ташқари ўн гектар ер ёнғоқзор бўлади. Ҳозир уруғлик картошкани четдан сотиб олаяпмиз. Харажат катта. Шунинг учун бу йил ўзимиз 3 тонна уруғлик картошка етиштирамиз. Лекин барибир бу бир гектар ерга етади, холос. Хўжалик эса 10 гектар ерга экиши керак. Истаймизми, истамаймизми, қолган ерга 27 тонна уруғ сотиб олишга тўғри келади.

— Ачинарли. Одамлар яхши ишлашса-ю, турмуш шароитлари оғир бўлиб қолаверса.

— Ҳозирча сабр-қаноат қилишдан бошқа илож йўқ. Икки йилдан бери хўжалик режалари бажариляпти. Звенолар оз бўлса-да, қўшимча ҳақ олишаяпти. Иссиқда ишлаганлиги учун ҳам қўшимча ҳақ тўлаш масаласини кўриш керак.

— Хўжалигингизда 86 гектар ер уй-жой ва томорқа учун ажратиб берилибди. Мени бир нарса ўйлантиради. Томорқа ерларга сабзавот экинлари экиш ҳақида кўп эшитаяпман. Сизларда ҳам шундайми?

— Афсуски, ҳа. Бироқ сабзавот етиштириш билан иш битаверса экан. Ўтган йили 154 тонна сабзавотни топширолмай қанча сарсоним чиқди. Бу йил ҳам томорқа ерлардан шундай фойдаланиш мўлжалланаяпти. Ахир, бу исрофгарчилик-ку.

— Раҳбарлик ҳам бир санъат, дейишади. Бугунги кун раҳбари қандай бўлиши керак?

— Авваламбор қўл остидаги мутахассисларга виждонан муносабатда бўлсин. Қолаверса хўжаликни бошқариш биргина раисга боғлиқ эмас. Халқпарвар бўлсин. Халқ орасида бўлмасанг, сенинг раҳбарлигинг кимга керак. Иқтисодий билимга эга бўлиш керак. Бусиз мумкин эмас. Бугунги кун муаммоларининг кўпи иқтисодни билмаганлигимизга бориб тақалади.

— Собир, комсомол съездига делегат бўлиб сайланишингиз тасодифми, ёки...

— Балки, ўринлидир бу савол. Чунки мен комсомол қўмитаси котибига баъзи муаммоларни ҳал қилишда кўмаклашганим билан ноҳия, вилоят комсомоллари билан яқин мулоқотда эмас эдим.

— Унда съезддан кейин комсомолни унутиб қўймайсизми?

— Бу нонкўрлик бўлади. Комсомолларга, ёшларга қўлимдан келган барча ёрдамимни бераман.

Суҳбатдош Гули ЧЕҲРА.



Ватанимиз пойтахти Москвада ўз ишини бошлаган комсомолнинг XXI съезди кунларида кўпгина меҳнат коллективлари юқори иш унумдорлигига эришишга қарор қилганлар. Улар орасида Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси йигит-қизлари ҳам бор.

Бу йил андижонлик тўқимачилар 31 миллион 430 минг погон метр газлама ишлаб чиқаришлари керак. Шундан бир қисми тайёр газламалардир. Бундан ташқари корхона ишчи ва хизматчилари 230 минг 965 сўмлик халқ истеъмол моллари ҳам ишлаб чиқаришни ўз зиммаларига олишган.

СУРАТДА: бирлашма ишлаб чиқариш йўриқчиси Гулчеҳра Абдураҳмонова шогирд ишчи Матлуба Раззоқова билан.

А. МИРЗАЖОН олган сурат.

Ҳовли тўйлари кўпаяди

Қўқонликлар уларга шаҳар чеккасидан ер ажратиб берилганидан кейин зўр ғайрат билан уй-жой қуришга киришдилар. 120 гектар майдонда 800 га яқин киши дарҳол уй қуришга киришди. Энди таққослаб кўринг: сўнгги ўн йилда якка тартибда уй қурувчиларга атиги 17 гектар ер берилганди.

Маҳалла комитетларига, уй-жойлардан фойдаланиш идораларига, корхоналарнинг касаба уюшмалари комитетларига ер ажратиб бериш тўғрисида илтимос қилиб ёзилган аризалар киришди.

Шаҳар Совети уй-жой қураётганлар барча зарур нарсалар билан таъминланиши хусусида ҳам ғамхўрлик қилди. Кўп болали ва кам таъминланган оилаларга биринчи навбатда қурилиш материаллари ажратилмоқда, уларга узоқ муддатли қарз берилмоқда, бу қарзни 25 йил мобайнида узиш мумкин.

(ЎзТАГ мухбири).

ЭҲТИЁЖНИ ҚОНДИРИШ ЙЎЛИДА

«Ўзбекхиммаш» заводи жумҳурият «Ўзхозторг» савдо базасидан сўрилар тайёрлаб бериш учун катта буюртма олди. Бу йил савдо тармоқларига 9 миллион сўмликдан кўпроқ сўри етказиб бериш режалаштирилмоқда. Келаси йили эса бу рақам янада ортади.

Завод ишчилари ушбу маҳсулотга бўлган талабни боғ ҳовлилар қурилиши кенгайганлиги билан изоҳлашмоқда. Шаҳар чеккасида уй бўлганидан кейин, уни жиҳозлаш учун бир талай ашё керак бўлади. Шу боисдан корхонада йиғма ўчоқлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қарор беришди. Кабоб қўрасининг тахминий баҳоси 18 сўм. Қулайлик учун уни ихчам брезент халтага жойлаштирганлар.

«Ўзбекхиммаш» заводида ижара коллективлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Табиийки, улар ўзлари ишлаб чиқараётган молларга эҳтиёж бўлишидан манфаатдордирлар. Уларнинг оилкорлиги ярмидан кўпи кенг истеъмол буюмларидир.


(ЎзТАГ мухбири).
Чирчиқ.

МЕНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММО

Ўзбекистон қарз олиб яшаяпти, деган гапни сира ҳазм қилолмаяпман. Менделеев даврий жадвалидаги жами элементлар мавжуд бўлган бир ўлканинг боқиманда бўлиб яшаётганига ҳеч ишонгинг келмайди. Мурунтовдан қазиб олишаётган олтиннинг софлиги 99,99 фоиз эканлиги турғунлик йилларининг ўзида очиқ эътироф этилган, ҳатто «Огонёк» журналининг муқовасида ҳар биттаси ғишт шаклида бўлган олтин қуймаларининг тасвири рангли бўёқларда акс эттирилган эди. Бундан ташқари, Олмалиқ мис комбинати, Маржонбулоқ ва Зарафшон олтин ишлаб чиқариш корхоналарини ким билмайди, дейсиз. Давлатга шунчалик кўп ва беҳисоб бойлик етиштириб бераётган жумҳурият билан қувонмаслик мумкинми? Аммо бу қазилмаларнинг фойдаси кимга тегяпти? Албатта, бизга эмас! Энг ёмони, бебаҳо хом ашёлар сариқ чақа ҳисобига ташиб кетилмоқда. Яна шуни ҳам айтиш керакки, ер ости бойликларини қазиб оладиган ва ишлаб чиқарадиганлар орасида маҳаллий миллат вакилларини камдан кам учратасиз. Мутахассислар тайёрлашга эҳтиёж йўқ баҳонаси билан мамлакатимизнинг Оврупо қисмидан ишчи кучлари келтирилган. Бу ишчиларнинг алоҳида имтиёзларга эга эканликлари ва алоҳида ҳисобда туришлари ҳеч кимга сир эмас. Ошкоралик шарофати туфайли юрагимизни ўртаётган бу гапларни очиқча айтаяпмиз. Фақат бонг ураяпмиз, холос. Кучимиз шунга етаяпти. Амалда эса ҳеч нима ўзгараётгани йўқ. Шундай қимматбаҳо қазилма бойликларни жумҳуриятимизнинг ўзида қайта ишлаш мумкин эмасми? Ёки бундай ишларга биз яроқсиз халқми? Улуғ Ватан уруши даврида ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб курашдик-ку! Энди, оғзимиз ошга етганда, қўлимизни чўзиб, бенасиб бўлиб қолаверамизми? Жумҳуриятимизда ишчи кучи етмаганда бошқа гап эди. Эндиликда маълум бўлдики, бизда ишсизлар сони бир неча ўн баравар кўп. Уларни иш билан таъминлаш муаммо бўлиб турибди. Билаклари кучга тўлган ёшларнинг ишсиз сарсон-саргардон юришлари аянчли воқеа эмасми? Ёшлар ҳар нарсага қодирдирлар. Улар ҳар қандай ишни мукаммал эгаллашлари, керак бўлса, тоғни уриб талқон қилишлари мумкин. Биргина мисол. Уруш бошланиб, кўпгина завод-фабрикалар Тошкентга кўчириб келтирилди. Ҳозирги Усмон Юсупов кўчасида Чкалов номли завод жойлаштирилди. Эндиликда бу завод бирлашмага айлантирилган. У пайтларда бундай имкониятлар йўқ эди. Шунинг учун ҳам хоналар бирлаштирилиб катта цехларга айлантирилар, келтирилган дастгоҳлар тезда ўрнатилиб ишга туширилар эди. Мен тенги ёшлар шу заводга жалб этилдик. Эндигина театрда иш бошлаган пайтларим. Қиш кунлари, совуқ. Тунука устидаги оғир дастгоҳларни қор устида сурар эдик. У ҳаяжонли кунларда иш вақти билан ким ҳисоблашибди, дейсиз? Таъминотимиз ҳам бир кунга 800 грамм қора нону, карам шўрва эди. Аммо ғалабага ҳисса қўшармиканмиз, деб кунни тунга улардик. Ўша кунлари оёқ «остида» ўралашиб ҳунар эгаллаганмиз. Ёнилғи идиши ясаш жуда нозик иш эди: ўттизга яқин детал бир-бирига жипслаштирилар, пайванд билан мустаҳкамланарди. Озгина хатога йўл қўйилса, осмонда фалокат юз бериши мумкин эди. Устозим Антонов бир сменада бир дона тайёрлаган бўлса, мен уни иккитага етказдим. Шогирд устоздан ўзади, деганлари рост экан. Тезда номим тилга тушди. «Зарбдорлар ҳурмат тахтаси»дан ўрин олдим. Шундай, одам бажарган ишни одам бажара олади. Ўша йиллари жуда кўп ўзбек йигитлари заводларда бинойидек меҳнат қилишди. Лекин кейинчалик улар бошқа касбнинг бошини тутиб кетишди. Бўшаб кетиш сабабларини сўраганларида, «Заводнинг келажаги йўқ» деб жавоб қайтаришарди. Эндиликда авиасозлик бирлашмаси, «Ташсельмаш», «Средазкабель» ва экскаваторчилар коллективларида ерли халқ вакиллари 25 фоизни ҳам ташкил этмаслиги аниқ. Баъзилар ҳеч тортинмасдан, беандишалик билан маҳаллий кишилар кўпроқ маҳаллий саноат корхоналарида ишлашга қодир, деган туҳмат гапларни тўқиб чиқармоқдалар. Бу ноўрин гапларга қўшилиб бўлармикин? Яна уруш йилларига қайтадиган бўлсак, ҳатто онахон, сингилхонларимиз оғир саноат корхоналарида энг қийин ишни ҳам бекаму кўст эплай олишди, уддалашди, зиммаларидаги вазифаларини ошириб адо этишди. Иккинчи бир мисолни шу кунлардан оладиган бўлсак, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назрулла Маннопов ўрта маълумот олиши билан оғир саноатда ишлади ва тез орада ишчанлиги билан Иттифоқда шуҳрат қозонди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мен, кези келганда, яна бир гапни ўртага ташламоқчиман. 1985 йилда комсомол ташвиқот поезди билан Иваново, Владимир шаҳарларида бўлган эдим. Ноқоратупроқ зонасида меҳнат қилаётган жуда кўп ёшлар билан суҳбатлашдим. Гап-сўзларга қараганда, уларнинг кўпчилиги бироз ишлар-ишламай қочиб кетишган. Иши оғир, таъминот ёмонлигидан эмас, она юрт соғинчи туфайли улар ана шундай йўл тутишга мажбур бўлганлар. Бунга мисоллар кўп. Бир пайтлар Украинага борган ўзбеклар ҳам қайтиб келишган. У ерда қолиб кетганлари-чи? Дўстлигимиз — бурчимиз, дея жар соладиган раҳбарларнинг калта ўйловлари натижасида бу одамлар сарсон-саргардон қилинмадими? Инсонни инсон этган ўз юрти, она-Ватани эмасми? Одамларимизга шу ердан иш топиб бериш ҳаракатига тушишимиз керак. Бу ҳақда халқ депутатларининг II Съездида ҳам анча-мунча гаплар бўлиб ўтганлигидан хабардормиз. Жумҳуриятимиз раҳбарлари бу муаммони ҳал этиш йўлларини қидиришяпти. Маҳаллий кишилардан мутахассислар тайёрлашга ҳам эътибор бериляпти. Эндиги ишчи фақат қора меҳнат кишиси эмас, у, кези келганда зиёли, олим ва ихтирочидир. Унинг жамиятда ўз ўрни, мавқеи бор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева касбдоши, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Н. Толобьеванинг тўқимачилик комбинати директори эканини, бўш вақтларида ўз дастгоҳида газлама тўқиётганини фахр билан гапирди. Бутуниттифоқ XIX партконференцияга делегат бўлиб, навоийлик Ф. Сойибов, андижонлик Ю. Мамажонов, самарқандлик Р. Каримов каби ишчилар билан суҳбатда бўлдим. Улардаги ўз ишларига бўлган муҳаббат, ҳалоллик, кўнгли поклик, одамийлик, айниқса, қайта қуриш ҳақидаги фикрлари мени мафтун этди. В. И. Ленин орзу қилган миллий жумҳуриятлар оёққа туряпти. Ўзбекистон ҳам ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятига эга бўлар экан, ҳамма соҳада етук кадрларга эга бўлмоғимиз зарур. Ўзбек миллий ишчилар синфини шакллантирмай туриб, катта ютуқларни қўлга киритишимиз қийин эканлиги ҳаммамизга аёндир.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати.



Бугун — Космонавтика куни

«МИР» ҚАНДАЙ ИШЛАМОҚДА?

Бешинчи — асосий экспедициянинг қатнашчилари фазогирлар. А. Викторенко ва А. Серебровнинг «Мир» станциясига қилган сафари 5 ойдан узоқ, аниқроғи 166 кеча-кундуз давом этди. Экспедицияга 90 миллиондан ортиқроқ пул сарфланди. Бу харажат ўзини қоплармикин?

— Ўтган экспедиция вақтида, — деб ҳикоя қилади А. Серебров, — кўплаб технологик тадқиқотлар ўтказилди. Бу асосан маълум металларни эритиб, янги маҳсулот олиш, инсулин ва бошқа доривор маҳсулотларни тозалаш, шунингдек, «Пейлоуд системз» деб номланган Америка фирмасининг маҳсулотини синовдан ўтказиш билан боғлиқ бўлди.

— Ишимизнинг якунларига келсак, — суҳбатга қўшилади А. Викторенко, — тадқиқотларнинг 80 тури бўйича 700 дан ошиқроқ текширишлар ўтказилди. Шунингдек, биз «Прогресс М» автоматик кемани қабул қилиб олиб, у билан бирга «Квант-2» модулини иш ҳолатига келтирдик. Хуллас, бўш вақтимиз бўлгани йўқ — шу йилнинг январь-февраль ойларида 5 марта очиқ фазога чиқиб ишлашга тўғри келди. Охирги икки чиқишимиз «учар ўриндиқ» деб аталмиш унча катта бўлмаган ҳаракат воситасини синаш билан боғлиқ бўлди. Бу восита эндиликда асосий кемадан анчагина узоқликда ишлаш имконини беради.

— «Мир» орбитал станцияси фазода 4 йилдан бери учиб юрибди — дейди бош конструктор Ю. Семенов. — Унда ўтказилаётган ишларни мен бир неча гуруҳга бўлган бўлардим. Биринчиси — табиатшунослик, экология, технология масалалари ва тижорат, буюртмалари. Иккинчиси — янги техник воситалар синови: скафандрлар, «учар ўриндиқлар», автоматик юк ташувчиларни такомиллаштириш ва ҳоказо. Ва ниҳоят, учинчи гуруҳ тадқиқотлар ҳарбий соҳа билан боғлиқ. Айтайлик, фазодан туриб бошқа мамлакатлардан ракеталар учирилаётганини билиш мумкинми? Америка Қўшма Штатлари СОИ ҳаракатномасидан воз кечишгани йўқ. Шунинг учун биз ҳам мамлакат мудофаасини унутиб қўймаслигимиз керак. Ҳозир матбуотда фазодаги тадқиқотлар учун пул ажратишни қисқартириш лозим, деган мазмунда мақолалар пайдо бўлмоқда. Бироқ, АҚШ, Япония, Ғарбий Овропадаги ривожланган мамлакатлар бу мақсадларга кўплаб маблағ ажратишмоқда. Масалан, Американинг «Фридом» станцияси учун 25 миллиард доллар харажат қилиш кўзда тутилмоқда. Биз ҳам 70-йиллардан бери бир неча миллиард сўм сарфладик. Албатта, аввалига бу пуллар ўзини оқламади, лекин ҳозир тадқиқотлар келтираётган фойда харажатни қоплаяпти. Масалан, «Мир»га қилинадиган 6-сафарга 80 миллион сўм кетса, фойда 105 миллион сўмни ташкил қилади.

Келажакда янада катта орбитал комплекс пайдо бўлиши мумкин. Уларни орбитага олиб чиқиш учун «Энергия» ракетаси мавжуд, у 100 тонналик блокларни бемалол кўтара олади. Агар СССР, АҚШ ва бошқа манфаатдор мамлакатлар ҳамкорлик йўлидан боришса, инсоният катта фойда кўрган бўлур эди.

М. ЧЕРНИШОВ.
(АПН).

Шарқ якка кураши усуллари



ТАЭКВОНДО — МУКАММАЛЛИК САРИ ЙЎЛ

Шу йил январь ойининг охирларида Швейцариянинг гўзал шаҳарларидан бири Давосда таэквондо бўйича навбатдаги Оврупо биринчилиги ўтказилди. Унда илк бор совет курашчилари — Шарқ якка кураши бўйича Тошкент уюшмасининг таэквондо маркази аъзолари ҳам қатнашдилар. Тўғри, улар бевосита беллашувда иштирок этмасдан фақат жанговар маҳоратларини намойиш қилган бўлсалар-да, бу воқеанинг ўзи катта аҳамиятга эга. Совет командаси шарафига мусобақалар вақтинча тўхтатилди, томошабинлар эса йигитларимизни тикка туриб, қарсаклар билан кутиб олишди.

Командамиз чиқишлари муваффақиятли ўтди. Курашчиларимиз маҳоратини нафақат томошабинлар, балки мутахассислар ҳам яхши баҳолашди. Бу бежиз эмас албатта. Чунки «Узагропромсервис» ташқи савдо бирлашмаси бош директори Х. М. Юсупов, таэквондо маркази президенти Вольмир Лигай, терма команда мураббийси Николай Югай бошчилик қилган делегациямиз таркибига каратэ бўйича икки марта СССР чемпиони Эдуард Ли, каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони Фурқат Халилов, Ботир Маматов, Ҳусниддин Қурбонов, Аҳрор Рўзиев, Ислом Иброҳимов сингари таниқли курашчилар киритилганди. Совет делегациясига таэквондо бўйича халқаро, Оврупо ва Швейцария федерациясининг махсус совғалари топширилди.

Совет спортчиларининг халқаро мусобақаларда қатнашуви яна шуниси билан диққатга сазоворки, барча курашчилар жумҳуриятимиздан. Бунинг сабаблари бор, албатта. Биринчидан, Иттифоқимизда танилган таэквондо усталарининг кўпчилиги жумҳуриятимизда яшашади. Масалан, ТАИВЕ раҳбари Ф. Тожибоев, 3-«дан» соҳиблари Л. Ким ва Н. Югай, 4-«дан» соҳиби И. Ли, марказ бошлиғи Вольмир Лигай эса Иттифоқимизда ягона бешинчи «дан» соҳиби. Иккинчидан, таэквондо маркази курашнинг бу турини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Халқаро таэквондо федерацияси президенти ва унинг асосчиси генерал Чой Хон Хи томонидан расман тан олинди.

Таэквондо ҳаётимизга кутилмаганда кириб келди. Матбуотда бу ҳақда ҳозир кўп ёзилмоқда, ойнаи жаҳон ўз кўрсатувларини унга бағишламоқда. Машғулот тўгараклари тўхтовсиз кўпайиб бораяпти.

Иттифоқимизда яшовчи корейслар орасида қандайдир сирли усуллар ёрдамида бир неча кишини бемалол енга оладиган курашчилар борлигини аввалдан билар эдим. Йигитлик бурчини ўтаб, хизмат қилиб юрган пайтларим қўшни ротадаги бир йигит билан танишиб қолдим. Унинг тезкор ҳаракатлари, оёқларини чирпиратиб зарба беришлари барчамизни лол қолдирганди. Шунда у буни бобосидан, бобоси эса Кореяни японлар босиб олгач, Совет ҳудудларига ўтиб қолган отасидан ўрганганлигини айтиб берган эди.

Ўша вақтлар «каратэ» сўзи тил бойлигимиздан энди-энди ўрин олаётган эди. Афсус, у расмий доираларда ўшанда тан олинмади. Фақат тақиқлаш билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмаслигини эса кўпчилик тушунмади. Каратэ норасмий йўллар билан ривожлана бошлади. Бу ишнинг чин каратэ санъати учун қанчалик фойда-ю, қанчалик зиён эканлигини айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Неча йиллик тақиқ ва жимликдан сўнг кутилмаганда «таэквондо» сўзи пайдо бўлиб қолди. Таэквондо усталарининг яшин тезлигидаги аниқ ва мукаммал ҳаракатларини кўпчилик кўрган бўлса керак.

Яқинда хизмат юзасидан таэквондо маркази бошлиғи Вольмир Лигай билан учрашдим. Суҳбат чоғида билдимки, таэквондо курашнинг кўҳна тури эмас экан. У 1940 йиллар охирида Жанубий Корея қуролли кучлари сипоҳиси Чой Хон Хи қадимги Шарқ якка кураши турларининг энг яхши усулларини жамлаши натижасида вужудга келган экан.

Таэквондо фалсафаси эзгуликка интилиш, инсонларга ёмонлик қилмаслик, ҳақиқатни қарор топтириш, ожизларга ёрдам бериш, феъли кенглик, катталарга ҳурмат сингари қадриятларга асосланган. Курашнинг бу тури билан шуғулланаётган кишилар ўзларини ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан такомиллаштириб боришлари, чидамли, тиришқоқ, камсуқум ва меҳнатсевар бўлишлари керак. Менимча, бусиз ҳеч бир ишда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Таэквондо асосчиси Чой Хон Хи жисмоний куч ҳеч вақт ақлдан устун турмаслиги лозим, деб уқтиради.

Ўтган йили қишда Корея Халқ Демократик Жумҳурияти таэквондо федерацияси президенти Сон Иль Соп тошкентлик ёш таэквондочилар билан учрашди. Ўшанда у шундай деган эди:

— Куч тафаккурга бўйсунса, у яратади, бироқ акси бўлса, вайрон қилади.

Мен президентга сафарда ҳамроҳлик қилган 6-«дан» соҳиби Ли Ен Сок намойиш қилган машқларни кўриб, бу сўзлар жуда тўғри эканлигига амин бўлдим. Унинг ҳаракатлари шу қадар чиройли эдики, таэквондо фақат кураш эмас, балки санъат эканлигига ишонмай илож йўқ эди. Эҳтимол бугун тўгаракка келаётган болалар буни тушунишмас, эҳтимол уларни таэквондо сири бошқа нарса етаклаётгандир. Бироқ тажрибали мураббийлар раҳбарлигида улар вақт ўтиши билан таэквондо фалсафасини тушунишлари ва қабул қилишлари шубҳасиз. Бундай мураббийлар эса марказда бор. Ҳозир марказ катта режалар тузмоқда. Уларнинг баъзи бирлари бугуннинг ўзидаёқ ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Марказ президенти Вольмир Лигай бора-бора таэквондо жумҳуриятимизда энг оммавий спорт турига айланади, деб ҳисоблайди. Негаки, бу системада инсон саломатлигига яхши таъсир кўрсатувчи машқлар жуда кўп. Масалан, унинг юрак ва бир қанча ички аъзолар фаолиятига ижобий таъсири исботланган. Бундан ташқари таэквондо билан шуғулланаётган ўсмирлар бўш вақтларини кўчада бекорчилик билан ўтказишмайди. Шунинг учун марказ бир неча болалар уйини ўз оталиғига олди. Албатта, бу болалар уйлари энг яхши жиҳозланган, диққат марказида турганлари бўлмай, балки жамият эътиборидан бебаҳра қолган жойлардир. У ерда марказ мураббийлари яхши тарбиячи, болаларнинг яқин дўсти бўлишлари мумкин.

Бундан ташқари марказ баъзи бир «катталар» ташкилотларини ҳам оталиғига олган. Яқинда «Ташпассавтотранс» раҳбарлари билан бир автобус ва бир такси паркида таэквондо тўгараги очиш ҳақидаги шартнома имзоланди. Негаки, сўнгги вақтларда жамоат транспортида безорилик, ҳайдовчиларга қуролли ҳужум ҳоллари кўпайгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ерда, шунингдек, кўнгилли халқ дружиначилари ҳам таэквондо сирларини ўрганишади. Улар йўл ҳаракатидаги тартибни назорат қилиб боришади. Хуллас, марказнинг мақсадлари катта. Мана, баъзи бир қилиниши кўзда тутилаётган ишлар: Ўзбекистон ССР Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси қошида таэквондо федерацияси тузиш, Тошкент шаҳрида халқаро таэквондо федерацияси президенти, генерал Чой Хон Хи иштирокида Бутуниттифоқ йўриқчилар семинари ўтказиш, СССР чемпионатига тайёргарлик кўриш.

Шунисн қувончлики, жумҳуриятимизда таэквондо «уруғи» ҳосилдор заминга тушди. Бироқ, шу ўринда савол туғилади: таэквондони ҳам каратэ тақдири кутмаяптимикан? Умид қиламизки, у даврлар ўтиб кетди. Таэквондо ҳаётимизга янгича мушоҳада қилиш билан кириб келди. Фойдали нарсани тақиқлаб бўлмайди. Фақат каратэда йўл қўйилган хатоларни такрорламасликка ҳаракат қилиш керак.

Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, бу ерда муаммолар ҳам йўқ эмас. Таэквондо маркази хўжалик ҳисобида ишловчи ижтимоий ташкилотдир. Аммо ҳозирча асосий ишидан моддий фойда ололмаяпти. Яъни пул маблағларига муҳтожлик сезилмоқда. Марказ эса ривожланиши, кенгайиши лозим. Ахир, айтайлик, болалар уйида спорт тўгараги очишнинг ўзи бўлмайди, минглаб сўм маблағ керак. Шу боис марказ раҳбарияти ҳозир ҳамкорлик қилиш, маблағ билан таъминлашга рози ташкилотларни излаётир. Бу иш эса осон кечмаяпти. Негаки, биз ҳали халқ саломатлиги сингари умумжамият аҳамиятига хос фикрлашни ўрганмаганмиз, гарчи бу ҳақда жуда кўп гапирсак ҳам. Бошқа ривожланган мамлакатларда эса ҳозир махсус жамғармалар мавжуд. Бунинг устига одамлар ҳам кўнгилли равишда пул ўтказиб туришади. Хуллас, муаммолар анчагина.

Иттифоқимиздаги энг кучли таэквондочилар жумҳуриятимизда яшашади. Тошкент шаҳри ва вилоятидаги бешта тўгаракдан ташқари Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Андижон, Сирдарё вилоятларида марказ филиаллари очилган.

Биз биринчи қалдирғочга муваффақият тилаб қоламиз!

Владимир ТЭН.

ЖАНГЛАР ЎТГАН ЖОЙЛАР БЎЙЛАБ САЁҲАТ

Фарғона-1 станцияси перронидан «Фарғоналик» туристик поезди жўнаб кетди. Бу йўналишни «Ферганатурист» саёҳат-экскурсия ишлаб чиқариш бирлашмаси уруш ва меҳнат ветеранлари вилоят кенгаши ва вилоят комсомол қўмитаси билан бирга ташкил қилди. Бу саёҳат совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланди. 340 йўловчи — уруш, фирқа ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи жангчилар, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорлари 18 кун мобайнида Фарғона — Волгоград — Киев — Одесса — Херсон — Севастополь — Феодосия — Новороссийск — Фарғона йўналиши бўйлаб қизиқарли саёҳатда бўладилар. Улар бу шаҳарлардаги тарихий ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойлар билан танишадилар, уруш йилларида ҳалок бўлган жангчилар шарафига ўрнатилган ёдгорликларни бориб кўрадилар, мангу олов ёнига гулчамбарлар ва гулдасталар қўядилар, қадрдон Ўзбекистондан узоқда ҳалок бўлган ва дафн этилган юртдошлари хотирасига бир минут сукут сақлаб, ҳурмат бажо келтирадилар. Уларнинг кўпчилиги учун бу ўзига хос ёшликка қайтиш бўлади: улар бу ерда фашист галаларига қарши жанг қилганлар.

(ЎзТАГ мухбири).

«ОЛТИН ҚАНОТ» ҒОЛИБ

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройида завод ёшлари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» баҳси бўлиб ўтди. Бу беллашувда иштирок этган «Атиргул» ва «Олтин қанот» командаларининг асосини бирлашманинг оловқалб ишчи-ёшлари ташкил этди.

Ушбу конкурс программасини олиб борувчи О. Йўлдошев қатнашчиларни беллашувнинг бешта асосий шарти билан таништирди: 1. Табрик. 2. Муаммо, муаммо. 3. Сизнинг изоҳингиз. 4. Бизнинг тўгарак. 5. Сардорлар баҳси.

Табрик шарти бўйича ҳар иккала команда бир-бирларига самимий табрикларини изҳор этиб, эсдалик совғаларини топширишади. «Муаммо, муаммо, муаммо» деб номланган иккинчи шарт бўйича, ҳозирги кунда жумҳуриятимизда учраётган кўплаб муаммоларни, камчилик, нуқсонлар ошкора танқид остига олинди. Конкурснинг охирги — бешинчи шарти бўйича «Атиргул» ва «Олтин қанот» командаларининг етакчилари — Умид Қўшоқов ва Ориф Олимовлар ўткир зеҳни, кучли маҳорати билан ҳақиқий сардор эканликларини намойиш этишди. Бу шарт бўйича омад Умиджонга кулиб боқди. Умумий тўпланган баллар бўйича эса «Олтин қанот» командаси конкурс ғолиби, деб топилди.

Эндиги гал авиасозлар Тошкент трактор заводи ёшлари билан беллашиш орзусидалар.

О. МИРЗАЕВ.



ФАРҒОНАЛИК САНЪАТКОР

Сафардан кейинги сўз

Фарғонанинг энг гўзал гўшаси — Шоҳимардонда одам тирбанд. Бу ерда «саёҳатга» чиққан аскар йигитларни ҳам учратдик... Томоша чархпалаги тагида «Водил чинори» миллий халқ цирк труппаси ўз санъатини намойиш этарди. Турсунали полвон ўғли Бахтиёржонни ўртага ёткизиб, унинг ялонғоч қорнига ўткир тиғли пичоқни баландликдан ташлайди. Юраги ожизлар кўзларини беркитадилар. Рафиқалари Гулчеҳра Мингбоева улкан бўғма илонни танасига ўраб, давра айланганда, қўрққанидан четроққа қочган томошабинларни кўрдик. Ишқилиб, томошага кўп одам тўпланган, у ҳеч кимни бефарқ қолдирмасди. Олқишлар қарсакларга уланиб, давра кенгайиб борарди...

Беш дақиқалик танаффусда полвон билан бир пиёла чой устида суҳбатлашдик.

Мулоқот мавзуси секин-аста ўтган йил ёзида бўлиб ўтган қонли воқеаларга бурилиб кетди.

«Фарғонада фожиа рўй берганида биз Қувайтда сафарда эдик, — дейди Турсунали Муҳаммад. — Матбуот хабарларини ўқиб, рости, халқимизни танимай қолдим. Қувайтликлар сўрашади: «Нимага туркийлар туркийларни бўғизлашмоқда?» Жавоб бера олмайман. Хаёлим кечаги кунга кетади. Мактабда она юртимиз тарихи бир ёқлама ўқитилгани, шу боис арзимаган жанжал сабаб ака укани, ука опани ўлдираётгани юрагимни эзади. Ахир, биз ҳаммамиз бир улкан дарахтнинг шохларимиз — якдил туркий халқлар фарзандларимиз-ку!»

Турсунали полвон узоқ йиллар калтабинларча сиёсат юргизганлар халқ ғурури билан ўйнашиб келганини айтади. Минг йиллик қадимий муқаддас гўша — Шоҳимардоннинг бугунги қиёфасига ачинади, уни бефаросатларча тепкилаб юрган хорижлик ва Иттифоқнинг бошқа жумҳуриятларидан ташриф буюрган ярим ялангоч сайёҳларга қарагиси келмайди...

...Танаффус тугади, яна томошалар бошланди. Одамлар оқиб келишмоқда. Биз бир чеккада туриб, кўнгилсиз суҳбатни хотирдан ўтказамиз, залворли тошларни коптокдек ирғитиб ўйнаётган алпомишкелбат полвонни кузатамиз. У назаримизда, халқнинг йиғилиб ётган дардларини ўз елкасига олган ожиз кишини ҳам эслатади. Юзидаги сўниқ кулги вақтинча. Томоша тугаши билан ўз ўйларига банд бўлади, Шоҳимардоннинг сервиқор қорли чўққилари олдида ушоқ гавдасидан ўзи уялади, афсусланади... Ҳозирча бор гап шу.

Рўзимбой ҲАСАН.

* * *



Суратларда: полвоннинг ўғли ва турмуш ўртоғи кўрсатаётган томошалардан лаҳзалар.

Ж. ҚОЗОҚОВ суратлари.

ЁШ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Яқинда Хива шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг эркин кураш тури бўйича жумҳурият чемпионати бўлиб ўтди. Афғонистонда ҳалок бўлган байналмилал жангчилар хотирасига бағишлаб ўтказилган ушбу биринчиликда ўн уч вилоятдан ёш полвонлар иштирок этишди.

Беш кун давом этган мусобақаларда энг кўп очко жамғарган Тошкент вилояти вакиллари биринчи ўринни эгалладилар. Самарқанд вилояти полвонлари иккинчи, хоразмликлар эса учинчи ўрин соҳиблари бўлишди.

Шахсий биринчиликда эса тошкентлик Д. Заҳриддинов, А. Волков, андижонлик И. Юсупов, жиззахлик И. Ҳасанов, фарғоналик С. Славко ва хоразмлик А. Маҳмудовлар турли вазнлар бўйича жумҳурият чемпиони бўлишди. Шунингдек иккинчи ўринларни эгаллаган ўсмирлар Гуржистонда бўлиб ўтадиган Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ёш полвонлар беллашуви қадимий ва навқирон Хивада ўтказилиши бежиз эмас. Бу ерда қадимдан кураш эъзозланади. Паҳлавон Маҳмуд каби бетакрор назмий мерос соҳиби, жаҳонга таниқли, елкаси ерга тегмаган полвон ҳам ўтган. Бу мўътабар бобокалонимиз хотирасига бағишланиб ҳар йили махсус мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. Хоразмликларнинг нияти Хивада ҳар йили Паҳлавон Маҳмуд хотира соврини учун Шарқ мамлакатлари курашчилари ўртасида халқаро мусобақалар ўтказиш. Бу таклифни юқори ташкилотлар қўллаб-қувватлашса бўлгани.

(Ўз мухбиримиз).

«ПАХТАКОР»НИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Мавсумнинг биринчи учрашувида «Зенит» билан дуранг (1:1) ўйнаган ҳамюртларимиз иккинчи турда Бокуда «Нефтчи»нинг меҳмони бўлишди.

Миллионлаб ўзбекистонлик мухлислар бу учрашувда ҳам «Пахтакор» яхши ўйин кўрсатар, деб умид қилишганди. Афсуски, «Пахтакор» ўша-ўшалигича қолганга ўхшайди. Ўйиннинг учинчи минутида мезбонлар ҳисобни очишди. Танаффусга уч минут қолганда эса пенальтидан иккинчи тўпни киритишди.

Иккинчи бўлимнинг ўрта범 ўртарида ҳисоб яна ошди — 3:0!

Машқ пайтида жароҳатланганлиги туфайли М. Қосимов бу учрашувда иштирок этолмади. Жароҳати ҳали яхши тузалмаган А. Абдураимов эса учрашувнинг иккинчи ярмида майдонга тушди.

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни 17-апрелда ўз майдонида ўтказади. Кишинёвнинг «Нистру» командаси меҳмонимиз бўлади.

Муҳаррир ўринбосари Фаррух РАҲИМОВ.



13 АПРЕЛЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 «Ерқазир». Телефильм. 11.50 «Бобомурод Ҳамдамов куйлайди». Фильм-концерт. 12.25 «Оловнинг тизгинланиши». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Бу сирли олам...». 18.10 «Халқ назорати экрани». 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Саҳифадан қолган сатрлар». 19.25 Реклама. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Тил — маданият кўзгуси». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 21.50 «Одобнома». 22.00 «Ахборот». 22.20 «Юртим баҳори». Мусиқий кўрсатув. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.05 «Китобсеварлар» (рус тилида). 18.50 Регби бўйича олий лига командалари ўртасида СССР чемпионати. «Звезда» (Тошкент) — «ХТЗ» (Харьков). 19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Айни ҳаракат пайти».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время». 21.00 «Контакт». Телетомошабинларнинг саволларига жумҳурият ҳарбий комиссариатининг масъул ходимлари жавоб берадилар. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Сурди ан-залпо». Афзалишо Шодиев куйлайди.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 8.45 «Малахит қутича». Мультфильм. 9.05 «Она бўри фарёди». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 11.30 «Векинмачоқ» («Биз қандай дам оляпмиз» туркумидан). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 12.30 Останкино концерт студиясида шоир Д. Самойлов билан учрашув.

* * *

15.15 «Агар сиз...» 16.00 Болалар учун фильм. «Жодугар ва сеҳргар» (Ленфильм»). 17.15 «Компьютер билан мулоқот». 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Ҳокимият — Советларга». Маҳаллий ҳокимият органлари ва Ер ҳақида қонун. 19.00 Л. Бондаренко чалади (баян). 19.10 В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига. «В. И. Ленин портретига чизгилар». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм — «Ленин кабинетида бир ярим соат» («Экран»). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 Долзарб интервью. 21.15 «Бу бўлган... бўлганди...». 21.40 «Нигоҳ». 23.10 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати. 23.25 ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.

● МТ II

16.30 «Қадрдон ўлка қўшиғи». Якутия АССР халқ артисти А. Самсонов куйлайди. Якутскдан кўрсатилади. 16.45 «Презентация-3». 17.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 «Майдон». Спорт программаси. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кучукча». Мультфильм. 19.45 Информацион программа. 20.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Енгиш» (Краснодар). 21.00 Футбол. СССР чемпионати. «Днепр» — «Динамо» (Киев). 22.50 Спорт ҳамма учун. 23.05 Н. В. Гоголнинг экранлаштирилган асарлари. «Алвасти» («Мосфильм»). 00.20 Бадминтон. Европа чемпионати.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 01241. Д. — 23114.